Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН № 82 (7222). ● 29 апрель, 1980 йил ◆ ● СЕШАНБА ● Баҳоси 2 тийин.

Чирчиқдаги капролактам ишлаб чиқариш комплекси қурилишида энг сўнгги созлаш ишлари жадал олиб борилмоқда. Комплекснинг олтингугурт кислотаси ишлаб чиқарадиган цехи эса маҳсулот бера бошлади. Суратларда: қурилиш участкаларидан бири. Олтингугурт кислотаси цехи бошлиғининг ўринбосари Петр Пилипенко, шу цех инженер-механиги Александр Постолов, қурилишда қатнашаётган англиялик мутахассис Гарри Райс.

Г. Пун фотолари. (ЎзТАГ).

МЕН ҲАЛҚИМНИНГ ЮРАГИДА ЯШАЙМАН...

ҲАМИД ОЛИМЖОН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ КЕЧА

Ҳамид Олимжон. Бу шоир гражданининг, коммунистнинг номи диёримизнинг турли бурчакларида яшаётган ҳар бир кишининг қалбидан жой олади...

Ҳамид Олимжон. Ижодиётнинг энг азиз нарсага — Ватани, халқнинг Улуг Октябрь унга ҳадя этган янги турмушини тараннум этишга бағишлаган шоир ва ёзувчи. Айни мана шу нарса унинг асарларини қайси тилда сўзлашувидан қатъий назар ҳар бир китобхонга яқин ва тушунарли қилиб қўйди.

Бугун ажойиб ўзбек шоири Ҳамид Олимжон етмиш ёшга тўлган бўлур эди. Атиги етмиш йил. У мана шу ҳаётнинг ярмингина яшади. Аммо унинг ўзбек адабиётида В. И. Ленинга бағишланган энг яхши асарларидан бири — «Самарқанд. 1924 йил 21 январь» шеъри ҳам, халқ бахт-саодати учун кураши тўғрисидаги «Семург» қиссаси ҳам, лирикага тўла «Зайнаб ва Омон» поэмаси ҳам, шеъриятимизни тили билан қайта айтилган «Ойгул билан Бахтиёр» достони ҳам, халқ тарихининг ёркин саҳифаси — «Муқанна» драмаси ҳам, фронт газеталарида Улуг Ватан уруши солдатининг мардлиги, қаҳрамонлиги тўғрисида қалбдан чиқариб ёзилган сатрлар ҳам халқнинг хотирасида яшаб келмоқда...

28 апрель куни Тошкентдаги Навоий номли опера ва балет театрида бўлиб ўтган тантанали кеча Ҳамид Олимжон туғилган куннинг етмиш йиллигига бағишланди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги В. Ю. Зоҳидов ажойиб ўзбек адибининг ижоди тўғрисида доклад қилди. У Ҳамид Олимжон сингари адабиётни ривожлантиришга қўшган ҳисса жуда катта эканлигини таъкидлади. Халқ ўз шонли фарзандини севади ва ҳурмат қилади, унинг ҳаёти юксак гражданлик, социалистик реализм принципларини қарор топтириш йўлидаги буюк жасоратдир. Ҳамид Олимжон яратган асарларнинг ҳаммаси ватанга, халққа, партияга садоқат билан хизмат қилиш намунасидир.

Кечада қардош республикалар адабиётларининг вакиллари, Ватанимизнинг турли томонларидан юбилей тантаналарига келган меҳмонлар Ҳамид Олимжон ижодиётининг аҳамияти тўғрисида, унинг мамлакатимиз халқлари дўстлигини шарафловчи асарлари ҳақида, ўзбек шоирининг жонли каломи тўғрисида гапирдилар.

Ватан — ўзбек шоири нафақат ўзи туғилиб ўсган диёрни, балки бутун мамлакатни шу сўз билан атади. Даставвал у мен сенинг ўғлингман, деб Россияни ватаним деди. Унинг рус адабиёти билан алоқалари, рус классик ва совет адабиёти энг яхши намуналарини ўзбек тилига қилган таржималари Россияга бўлган фарзандлик меҳр-муҳаббатининг ифодаси эди. У Пушкин, Лермонтов асарлари, Горький, Островский, А. Корнейчук асарларини таржима қилди. Кечада рус шоири Ленин мукофоти лауреати Егор Исаев Россиянинг шонли фарзанди — Ҳ. Олимжон тўғрисида гапирди.

Украин шоири Александр Ильченко, қозоқ шоири К. Жумагалиев, Тожикистон ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари Мўмин Қаноат, Туркманистон ёзувчилар союзи правлениесининг раиси Т. Қурбонов, Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Ж. Оймирзаев, Озарбайжонлик шоир ва таржимон Аҳад Мухтор, Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия юбилей кечасига шоир тўғрисидаги илҳомбахш сўзлари билан келдилар.

Шоирларнинг сўзлари турли тилларда янгради. Мана шу овозлар орасида Ҳамид Олимжоннинг, халқнинг меҳр-муҳаббатига ва миннатдор хотирасида яшашга сазовор бўлган шоирнинг бундан кўп йиллар муқаддам ўз қаҳрамони тили билан: — Мен халқимнинг юрагида яшайман — деб айтган шоирнинг озози ҳам эшитилиб турди...

Юбилей кечасида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари И. Г. Анисимкин, М. М. Мусаховов, О. У. Салимов, И. Б. Усмонхўжаев, А. А. Хўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Н. Маҳмудов. Г. М. Орлов ҳозир бўлдилар. Кечада СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари В. М. Кожевников иштирок этди.

(ЎзТАГ).

РОСТОВДА УЧРАШУВ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев Москвага кайтаётиб 28 апрель куни Ростовда тўхтаб ўтди. Бу ерда у КПСС область комитети бюросининг аъзолари билан учрашди ва суҳбатлашди.

Суҳбатда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитети секретари К. У. Черненко иштирок этди.

КПСС Ростов область комитетининг биринчи секретари И. А. Бондаренко Дон меҳнаткашларининг партия XXV съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1979 йил ноябрь Пленуми қарорларини, беш йилликнинг якунловчи йили ва умуман беш йиллик планини бажариш соҳасидаги ишлари ҳақида гапириб берди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев кўкламги дала ишларининг бориши, дон, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш, КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль Пленуми қарорларини бажариш, — «Муддатидан барвақт қурамиз — барвақт ўзлаштирамиз!» шиори остидаги ташаббусни ривожлантириш борасида область партия ташкилотининг иши билан қизиқди, саноат, қурилиш, транспорт, қишлоқ хўжалиги ходимларининг ўнинчи беш йиллик топшириқларини бажаришга салмоқли ҳисса қўшаётганликлари учун уларга миннатдорчилик билдиришни илтимос қилди. Ўртоқ Л. И. Брежнев қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари мураккаб об-ҳаво шароитларига қарамай, беш йиллик-нинг якунловчи йилида социалистик мажбуриятларини бажаришга қатъий аҳд қилганликларини мамнуният билан таъкидлади.

Леонид Ильич қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларига, комбайнсозларга, атоммаш қурувчилари ва ишлатувчиларига, халқ хўжалиги бошқа тармоқларининг намояндаларига Ватаннинг иқтисодий қудратини янада ошириш соҳасида партия қарорларини рўёбга чиқаришда муваффақиятлар тилади. У биринчи Май, совет халқининг Улуг Ватан урушида қозонган галабасининг 35 йиллиги муносабати билан Донинг барча меҳнаткашларига самимий қутловлар топширди, ҳар бир оилага сиҳат-саломатлик, бахт-саодат тилади.

(ТАСС).

ВАРШАВА ШАРТНОМАСИДА ҚАТНАШУВЧИ ДАВЛАТЛАР СИЁСИЙ МАСЛАҲАТ КОМИТЕТИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Келишиб олинганига муворфиқ, 1980 йил май ойининг ўрталарида Варшава шаҳрида Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар сиёсий маслаҳат комитетининг навбатдаги кенгаши бўлади.

ҚАРДОШ ХАЛҚНИНГ ШОНЛИ ЮБИЛЕЙИ

ОЗАРБАЙЖОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ОЗАРБАЙЖОН ССР, ОЗАРБАЙЖОН КОМПАРТИЯСИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАЖЛИСИДА

Ўртоқ Ш. Р. РАШИДОВ нутқи

Азиз ўртоқлар!

Озарбайжонлик ога-иниларимиз, опа-сингилларимиз!

Озарбайжоннинг кўҳна диёри нурли, ажойиб байрамни — Озарбайжон Совет Социалистик Республикаси билан унинг жангларда ва меҳнатда чиниққан қаҳрамон авангарди Озарбайжон Коммунистик партиясининг 60 йиллиги байрамини нишонламоқда. **(Гулдурос қарсаклар).**

Сизлар билан биргаликда мана шу тантанавор кунлар қувончини баҳам кўрарканмиз, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети, Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашлари номидан қардош Озарбайжон халқини шу шонли воқеа билан ҳамда фахрли мукофот — Ленин ордени билан қизғин ва самимий табриклайдилар. Республикангиз КПСС XXV съезди қарорларини амалга оширишдаги катта муваффақиятлари, ўнинчи беш йиллик топшириқларини барвақт бажарганлиги учун ана шу юксак мукофотга сазовор бўлди. **(Қарсаклар).**

Қардош Озарбайжон халқи билан совет кишиларининг ватанпарварлик, интернационал фахрланиш туйғуси КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг самимий жўшқин сўзларида, КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети оташин табрикномасининг ҳар бир сатрида ўз ифодасини топган. **(Гулдурос қарсаклар).**

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, қалин дўстимиз Гайдар Алиевич Алиевнинг бутун бу ерда қилган доклади курашчи халқнинг, бунёдкор халқнинг улкан жасоратлари ҳақидаги бамисоли баҳодирона насрий қисса, достон бўлиб янгради. **(Гулдурос қарсаклар).**

Теран ва сермазмун бу доклад Озарбайжон халқи ўтмишдаги қашшоқлик ва қолоқликдан ҳозирги эркинлик, қардошлик ва рўшнолигининг ёнг ва ҳаёт ҳақидаги ҳаётнинг ҳаммаси ва ҳаётнинг ҳаммаси ва ҳаётнинг ҳаммаси ва

ҚАЙТИШ КОНКУРСГА

МАКТУБНИНГ сарлавҳаси ҳафсала билан катта ҳарфларда битилган ва гўё қалб ташвишини ўтинч билан ошкор этаётгандек эди: «Шикоят»... Умуман олганда қувончли шикоят бўлмайди, бироқ ёзув дафтарининг варағига битилган бу гаплар инсоннинг оддий ва қатъий ҳақиқатини жуда хасислик билан ифодалаб қўйгандек эди. «Бизнинг Свердлов номли колхоз,— дейилган эди хатда,— жуда кўп йиллар давомида қолоқ, камқувват хўжалик бўлиб келган. Иқтисодий жиҳатдан ночор аҳволда. Колхоз мулки район раҳбарларининг ҳуфиёна розилиги билан ташиб кетилар, ҳар йили 500 гектардан ортиқ ер талон-тарож қилинарди. Ниҳоят колхознинг аҳволи танг бўлиб қолган бир пайтда бизга Абдусалом Абдуҳолиқов янги раис бўлиб келди. У бундан олдин қўшни Калинин номли колхозга раҳбарлик қиларди. Абдуҳолиқов дастлабки кунданоқ район раҳбарлари ва колхоз правлениеси томонидан йўл қўйиб келинган нохуш ҳатти-ҳаракатларга чек қўйди. Янги раис колхоз уставини муқаддас билиб, унга қатъий риоя қилди. Халқ ҳурматини ўрнига қўйди. Оддий бир колхозчининг фикри билан ҳам ҳисоблашди. Шундай қилиб, бизнинг колхозимизда ишлар тубдан яхшилана бошлади. Бироқ, саккиз ойдан сўнг Абдуҳолиқовни ҳийла ишлатиб биздан олиб қўйишди».

Шундан сўнгги сатрларда колхозчилар «бизнинг розилигимизсиз бўшатилган қонуний раисимиз Абдуҳолиқовни қайтариб бериш»ни сўрашган эди...

— Афсуски, булардан ҳеч бирини деярли танимайман,— деди Абдуҳолиқов хатга имзо чекканлар исм-фамилияларига кўз югуртирар экан,— ҳали улгурмаган эдим.

У ёнига ўтирилиб, имиллаганча диққат билан кўзойнагини артабошлади. Сўнг ёнидан дастрўмолини олиб, аччиқланган киёфада кўзларини артди. Наҳотки, у йиғлаяпти? Ёши элликдан аллақачон ошган, урушда бўлиб жанговар оғайниларини дафн этган, ер ҳайдаган, саккиз фарзандни тарбиялаб ўстирган ва неваларини тиззасига олиб ўйнатиб эркалайдиган эркак киши йиғласа. Нега шундай синов дамларида унинг кўнгли бўшашиб, йиғига мойиллик сезди ўзида. Чиндан ҳам шундай кишилар одамларнинг ишонч ва меҳр-муҳаббати қаршисида худди ёш боладек ожиз бўлиб қоладилар. Ҳозир эса бир лаҳзалик бахтли ҳаяжон оғушида сархуш эди. У ўз ҳаяжонини ўжарлик билан босишга интилди: шарқда эркакларга йиғлаш номуносибдир. Хатни авайлаб кафтига қўйиб назар ташларкан, «улар ўзларини гўё мен учун курашаётгандек ўйлайдилар. Аслида улар колхозни ҳимоя қилмоқдалар. Мен эса ўзлигини билиб олишда уларга бир оз ёрдам бердим, холос» деб шивирларди.

Абдусалом Абдуҳолиқовни рус ўртоқлари Андрей Андреевич деб аташарди. У ўзини камтарликка ҳам олмади, керилмади ҳам. Узун, аммо бақувват бармоқларини чирмаштириб узоқ ўйга толди. Ёши анчага бориб қолган, чарчаган. Бўғдойранг юзидан камтарлик, соддалик барқ уриб турипти. Бу одам учун уч йил давомида чарчамай курашишга нима мажбур қилди?.. У оддий деҳқонларнинг қалбини ўзининг нимаси билан мафтун этди?

...Уни телефон орқали муҳим иш бор, деб райкомга таклиф этишди. Раис район марказига томон «Газик» машинасида қиш йўлларидан бораркан, фикрини жамлаб, ўйларди. Нега чақиришдийкин? Сўнг ўзича «нима гап бўлса ҳам ўз фикримда охиригача қатъий тураман» деб аҳд қилди. «Гап шундай,— деди у бармоқларини букиб, — биринчидан, иккинчи группа уруш инвалидиман... Иккинчидан, мен ўз колхозимни ташлаб кетолмайман. Бу ерда ўн йиллик меҳнатим сингган. Колхозни қабул қилиб олганимда икки миллион қарзи бор эди. Эндиликда эса бир миллион фойдамиз бор. Фарқи катта. Кимга қолдираман. Нафсиламбирини айтганда, колхозчиларнинг ўзлари ҳам юборишмайди. Яна бир гап: бундан буён ёш эмасмиз. Қариликни ҳам ўйлаш керак. Бироқ, райкомнинг зарасида ҳамиша қатъий ва қисқа сўз тайёр туради: «керак». Унинг сўзларини эшитишди. Бошларини қимирлатиб розилик билдиришди. Сўнг эса мулойимлик билан қатъий қилиб: «Ўртоқ Абдуҳолиқов, қўшниларга ёрдам бериш керак. Сизни Свердлов номли колхоз раислигига тавсия этамиз»,— дейишди. Умуман айтганда гап ана шундай. Абдуҳолиқов уруш инвалиди, районда ҳурмати бор одам. У менга тўғри келмайди, юк оғирлик қиладиган, деб иккиланиб бир этикка тиқиб туриб олиши мумкин эди. Лекин ётиб қолган одамни тургазиш керак. Бунинг учун кучли қўл лозим. У ерда бир ярим минг киши бор.

Улар муваффақиятсизликлардан безиб қолишган. Колхозда аянчли аҳволдан жонлари тўйган.

Бироқ, Абдуҳолиқов коммунист сифатида чуқур мушоҳада юритиб, узоқни ўйлаб иш қиладиган одам. Жуда яхши, бунисига ҳам у «бардош» беради. Ўз колхозининг муваффақиятлари ва ажойиб мавқеидан фахрланган ҳолда уйига жўнайди. Шундоқ ёнгинасида, бор-йўғи ўн икки чақирим нарида эса Абдуҳолиқовнинг ўзи, унинг отаси ва бувалари ўхшаган деҳқонлар мусибат билан олишиб, чарчаб юраверишсинми. Одамларнинг айби нимада, нега уларнинг тақдири баъзан қўли эгри, очкўз кишиларга тушиб қолади. Унга қадар қалинликларда Абдурашид Турғунов деган товламачи бўлган эди. Ишдан олдилар, партиядан ўчирдилар, вассалом. Энди бўлса свердловликларни раис Абдумўминов шу аҳволга солди. Уни ҳам ишдан олдилар. Бундайларнинг борлиги ажабланарли эмас. Ажабланарлиси шундаки, улар мўмай даромад чиқадиган жойларга жуда қисқа йўл топа оладилар. Кўлга тушмагунча товуқхонага кириб олган тулкидек, билганларини қиладилар. Демак, коммунист ва солдат Абдуҳолиқов учун ўз тинчини кўзлашга ҳали вақт эрта. «Мен розиман». Ниҳоят у қийинчилик билан, бироқ ҳаммага эшиттириб жавоб берди. Сўнг ичида кўнгли бўшлиги учун ўзини ўзи койиди. Кўчага чиқди. Ҳаммаёқда оппоқ қор. Бир-бир қадам ташлаб борар экан, ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олди...

Саккиз ойни саккиз йилга қиёс қилишлари мумкин. Агар кишида қатъий ирода, ғайрат ва шижоат бўлса вақтнинг танобини тортиш ҳеч гап эмас. Абдуҳолиқов саранжом-сариштa уй эгаси ишни нимадан бошлаган бўлса, Свердлов номли колхозда ҳам у шундай йўл тутди. Эски, қаровсиз ҳовлига кўчиб киргач, ишни ҳар ер-ҳар ерда уюлиб ётган ахлатлардан тозалашдан бошлади. Ахир у бундан буён шу ерда яшайди. Колхоз раисининг кўз ўнгида шундай бир таниш манзара намоён бўлди. Бу ердаги аҳвол худди Калинин номли колхоздаги дастлабки аҳволни эслатар эди. Кассада хемири йўқ. «Ёғлиқ жойлар»ни собиқ раиснинг уруғ-аймоқлари, яқинлари ва ошна-оғайнилари эгаллаб олишган. Ердан фойдаланишда қатъий тартиб йўқ. Чекка ерларда ва ариқ бўйларида, бурчакларда катта-катта ерларни одамлар ўзларининг шахсий участкаларига қўшиб олишган. Атрофини ўраб, ҳар хил тут ва бошқа кўчатлар экишиб, тиконли сим тўсиқ тортиб қўйишган. Бундай ерларга сотиб бойлик орттириш мақсадида ерёнғоқ, кунгабоқар экиб қўйишган. Абдуҳолиқов қизиқиб бир участкани ўлчаб кўрди: тўрт гектар. Бироқ, шахсий бойлик орттиришни, оғиз кўпиртириб, қоралаб ташвиқот, дўқ-пўписа қилиш билан кутилган натижага эришиб бўлармикан? Агар колхоз одамларни боқмаса, одамлар қандай йўл билан бўлмасин, ўзларини ўзлари боқиб тирикчилик қилишади. Бу оддий мантиқ.

Раис бригадирларни йиғиб мажлис ўтказди. «Бундан буён, — деди у қоида қилиб, — колхоз уставига қатъий амал қиламиз. Мен колхозчиларни қатъий ойлик билан таъмин этишга ваъда бераман. Ортиқча ерларга эса пахта экамиз. Саволлар борми?» «Бўпти, — дейишди бригадирлар. — Агар маош бўладиган бўлса саволлар йўқ». Абдуҳолиқов ўзининг обрў-эътиборидан суиистеъмол қилиб фойдаланиб бўлса ҳам ўққа югуриб, бўққа югуриб, колхоз учун келгуси ҳосил ҳисобидан қарз олди. Бульдозерлар ишга тушиб кетди. Ўзбошимчалик билан ўраб олинган деворлар ағдарилди. Шаҳарлик оталиқ ташкилотлар Андрей Андреевичга техника билан ёрдам бердилар. Ишлар юришиб кетди. Қишлоқда соф ҳаво ели шамол эса бошлади. Бироқ бирдан яна ишкал чиқиб қолди. Колхознинг шахсий томорқа учун ажратилган 200 гектар энг яхши ерларини район суғориш тармоғи миробларга, сув ҳўжайинлари эгаллаган эдилар. Уларнинг бошлиги эса район партия комитетининг биринчи секретари Солижон Воҳидовнинг «одами» ҳисобланарди. «Адҳам, — етиги билан бошлиққа илтимос қилди раис, — ерни қайтариб бер, колхозчилар ортиқча ерларини аллақачоноқ қайтариб беришди. Воҳолонки, ернинг ҳўжайинлари ўшаларнинг ўзлари».

«Фойдаланиб келганмиз, бундан кейин ҳам фойдаланамиз» деб зарда билан жавоб берди бошлиқ «Бу мумкин эмас, ахир ер меникимаску. Уни сизларга ҳадя этишга ҳаққим йўқ. Бульдозерларни ишга соламиз, — босиқлик билан деди раис. «Чакки қиласиз, — деди жаҳлини ҳал қилиш учун келган Воҳидов энсаси қотиб, — нега тегасан, энди улар сенга сув беришмайди». «Ҳечқиси йўқ, сувни беришади». Суҳбатлашиб олиб тарқалдилар. Масала ҳал қилинмасдан қолганди. Улар яна бир неча бор тўқнаш келишлари, келишмовчиликларни тинч йўл билан бартараф этиб бўлмаслигини билишарди.

Ёмон одат бўлиб қолганидек колхозга райондан тез-тез телефон қилиб туришарди: «Абдуҳолиқов, сенга комиссия борляпти, уларни яхши кутиб ол».

«Хўп, майли. Албатта, топшириқ бажарилади, — деб жавоб берарди раис. Сўнг дарҳол меҳмонларга дастурхон тузаш учун омбордан у-бу нарсани олиб келиш учун буйрук берар эди. Бироқ, бир куни раснинг сабр косаси тўлиб, Воҳидовдан очиқдан-очиқ сўради: «Келаётган одамлар қаердан? Уларнинг колхозга алоқаси борми?». «Йўқ, шунчаки меҳмонлар. Улар яхши одамлар, вассалом. Тушунсангчи, улар табиатдан баҳра олиб бир дам олишмоқчи-да. Бақти келиб уларнинг ҳам фойдаси тегиб қолади», Абдуҳолиқовнинг фиғони фалакка кўтарилди. У райком секретарининг кўзига қаттиқ тикилиб: «Гап бундай ўртоқ Воҳидов, мен ресторан директори эмасман, колхоз раисиман, Мени шу лавозимга сайлаб қўйган одамлар олдида ҳисоб берувчи шахсман. Колхоз ҳисобига ҳеч кимнинг айш-ишрат қилишига йўл қўймайман, — деди. «Майли, келишдик, — заҳарҳандалик билан кулди Воҳидов, — колхозни бой қилмоқчисан дейман-а». «Шундай», «Майли кўрамиз, аммо сиз билан ишлаша олмайдиганга ўхшаймиз».

...Колхознинг шошилинч йиғилишини даланинг ўзида бригада шийпонида, кичик гуруҳда ўтказишга қарор қилишди. Тугаб бораётган куз куйларининг ҳар бир дақиқаси олтинга тенг бўлган пахта теримининг қизғин пайти эди. Бироқ, гапсўзлар кўз очиб юмгунча қишлоқлар ва узоқ пахтазорларни айланиб чиқди. Овозалардан гангиб қолган, ҳайратга тушган колхозчилар шийпоннинг тор ҳовлисини тўлдирдилар. Улар акас дарахти соясида ўтириб ва тикка турган ҳолда йиғилиш бошланишини кутишар, сиполик билан гаплашишар, дамба-дам президиумнинг алвон ёпилган столига, чеккада ўтирган Абдуҳолиқовга қараб қўйишарди. У вазмин эди, фақат манглайида, нақшли дўпписининг остидан тер маржон-маржон бўлиб оқарди. Воҳидов район партия комитети бюросининг Абдуҳолиқовни раис вазифасидан четлатиш тўғрисидаги тавсиясини эълон қилиши билан одомон гувиллай кетди. Орқа қатордагилардан кимдир «Нима учун? Айби нимада?» деб бақирди. «Одамлар орқасига яширинмасдан олдинга ўтинг», — таклиф қилди Воҳидов. «Ўтаман ҳам, — Ўринбой Холматов кенг ярилган елкаси билан кишиларни суриб, стол томон кела бошлади. Унинг қуёшдан қорайган юмалоқ юзи ҳаяжонланганидан қизариб кетган эди.

— Мен шуни айтай, раис Абдуҳолиқов менинг томорқамни кесди. Бироқ бунга ачинмайман. Мен кўрсичқондай ер қазиб, кеча-кундуз тинмас эдим. Ҳозир эса колхоз бизга маош тўлаяпти. Ахир раисимиз ўзи учун тиришдими? Тушунмаяпман...» «Тушуниш нимаси, сиз яхшиси биз, аёллардан сўранг! Илгари биз қачон касаллик варақаси бўйича пул олардик? Ҳозир эса касал боламиз билан уйда ётирсак ҳам, бизга маош ёғишяпти. Бу кимнинг ғамхўрлиги? Мана унинг!» — ўрта яшар хушсурат аёл бармоғини бизиз қилиб камгап Абдуҳолиқовни кўрсатди. «Жуда тўғри Ҳалима!» —аёллар бирданига чувиллай кетишди. Абдуҳолиқов илтимос қилаётгандек, қўлини кўксига қўйиб колхозчиларни тинчитмоқчи бўлди. Лекин унинг гаплари оломон овозида ғойиб кетарди. Йиғилиш бутунлай ўзининг мавқе ва маромини йўқотаётган эди. Воҳидов кўлини силтаб машина томон юрди...

Абдуҳолиқов уйида рафиқасига қувноқлик билан: «Карима, буюмларингни йиғиштир, жўнаб кетяпмиз. Муҳрни топшириб бўлдим», — деди. «Нимага қувонаяпсиз?» — Карима эрининг ҳаяжонли, гўё ёшариб кетгандек юзига ишончсизлик билан қараб сўради. Шунда у болалардек ҳандон отиб кулиб юборди: «Э, онаси, бугун жуда қўрқдим-да! Ўтирибман-у, на тириклигимни, на ўликлигимни биламан. Бирдан одамлар мени қойиша бошлашса, деб ўйлайман. Улар эса ҳамма нарсани кўриб, ҳамма нарсани тушуниб турибдилар. Халққа баллм!».

У оиласи билан шаҳарга, отасининг эски, баланд дезор билан ўралган уйига жўнаб кетди ва уруш инвалидининг пенсиясига тинч яшай бошлади. Лекин ипак қурти пилласида секин, кўзга кўринмас ҳаёт давом этиб, нозик ипларидан узлуксиз тўр тўқилгандек, иштиробдаги кишининг фикри ҳам унинг онги ва қалбини ларзага солган воқеа атрофида бетўхтов айланади. Унинг ўйи кўпинча ўша дала шийпонининг топталган бурчагида, бу ерда бўлиб ўтган ҳаяжонли, одатдан ташқари йиғилишда бўларди. Бу йиғилиш унинг қалбини аламга тўлдириб юборди, аммо, йиғилиш унинг ишининг катта инсоний ҳақиқатига эга эканлиги фахрли туйғусини ва кишиларнинг қайноқ ҳамдардлигини ҳам билдирди. Свердловликлар учун қисқа ойлар мобайнида унинг тинимсиз, дам олмасдан, гўё бир нафасдек ўтган иши бекорга кетмади! У ғолт қисқа муддат ичида тасодифий «муваққат» кишиларнинг ўзбошимчалик ва хонавайрон қиладиган ҳунарларидан чарчаган одамларнинг ишонч ва меҳрини қозонди. Қариялар унга «Сен барча қаламуш ирларини бекитдинг ва бу ночор кишилар чангдек тўзиб кетишди. Бунинг учун сенга катта раҳмат», — дейишарди. Бу «муваққат» кишиларни энди ким ҳам тилга оларди. Уларнинг номи битта: ёлмон, сичқон, кемирувчилар. Абдуҳолиқов учун эса ҳамма бир тан, бир жон бўлди.

«Тўхта, тўхта Абдусалом, ўзингни кўкка кўтаравермa, —дерди ўзига.— Агар шундай бўлса нима учун бир ўзинг боғда юрибсан. Нима учун улар билан биргаликда пахта тайёрлаш планини бажариш ғамида эмассан?..» Шу пайтда тоқ зангига чўзилган тоққайчи ушлаган қўли ҳавода муаллоқ қолиб оғзидаги ёдидан чиққан сигаретаси ўчарди. Елғиз ўзи... ўқчи батальонинг ҳамон илгарилаб, олға ва олға қараб кетар экан, йўл четида ёлғиз ўзинг қолишинг даҳшатлидир. Урушда у деярли уч йил елкасида 70 килограммли «максим» пулемёти билан Волхов ботқоқликларини роса кезган. Солдат учун яралангандан сўнг дала госпиталига тушиб қолиб, сафдошларидан ортда қолиш, уришаётган армиясининг соҳилсиз денгизида йўқолиб кетишдан ҳам оғир фалокат бўлмаслигини у билмай, ким билсин. Ўрмон йўли қайрилишида кўздан йўқолиб колонна кетяпти. Содиқ сафдошлари Маҳомет Каримов ва Вася Соколовлар тез-тез орқаларига қараб кетишяпти. Фақат Абдусаломнинг ўзи дарахтга орқаси билан суянган ҳолда тиши билан дарғазаб бўлиб, охирги кучи билан шахсий пакетини йиртади ва осколка тилиб ўтган оёғини бинт билан бойлаш учун шошилади: ҳеч нарса эмас, чидаймиз, фақат ўзимизникилардан орқада қолмасак бўлгани. Ўшанда унинг оёғи гангрена бўлишига оз қолди. Санинструкторга раҳмат, уни айни пайтда медсанбатга жўнатди. Шунга қарамай, у ўз ротасида қолди. Синявин бўсағасидаги жангда даҳшатли дақиқаларни бошидан кечириш учун қолди. Бу дақиқалар мана неча йиллардан бери унга тушида ҳам тинчлик бермайди. «Лента!— қичқиради у, хотинини ҳам уйқусидан уйғотиб.— Лентани бер!» у елкасидан қараб Каримовнинг жанублинларга хос бодоммағиз чақноқ кўзларини кенг очиб секин ёнига йиқилаётганини, пешонасида эса мўъжазгина ўқ изи ва сизиб чиқаётган қонни кўраётгандек бўлади.

Лекин сенинг ўзинг, фронтчи Абдуҳолиқов, тинч кунларда қайси минада портлаб кетдинг? Нима учун, қайси айбинг учун яна йўл четида қолиб кетдинг. Худди изтиробдаги қалбнинг соғинчли даъватига жавоб бергандек чақирилмаган қадрли меҳмонлар — свердловлик колхозчилар келишди. Таомилга кўра чой ичишди, у-бу тўғрисида гаплашишди. Шундан сўнг Ўринбой бригадир қўлик билан сўраб қолди: «Абдусалом ака, айтинг-чи, биздан нимани яширяпсиз? кишилардан қайси гуноҳингизни бекитдингиз?» «Нима демоқчисан?»— зарда билан деди Абдуҳоликов. «Ҳеч нарсада айбингиз бўлмаса нима учун уйда қора юз бўлиб ўтирибсиз? Ўзингизни ҳимоя қилинг! Биз сиз тўғрингизда иштимос қилиб юрибмиз, сиз эса...,— у ўртоқларига гапини қувватлашларини сўрагандек қараб олиб, юмшоқкина деди:

— Биз сизнинг қайтишингизни кутяпмиз, Абдусалом ака. Биз сизга ишонамиз, Абдусалом ака...».

Бундан сўнг кўп сувлар оқиб ўтди. Қувғинга учраган раис кўпгина эшикларни ўжарлик билан тақиллатди, лекин натижа чиқара олмади. Бироқ у таслим бўлмасди: «қора юз» билан яшашнинг ҳожати йўқ эди. Шундай кун келдики, у масъул ўртоқнинг кабинетида ўз тарихини — нечанчи бор!—софдил ва бироз чарчаган ҳолда қиноя қилиб бергач, қўйқўз ва қорасоч ҳамсуҳбати унга свердловлик колхозчилар берган саволни деярли сўзма-сўз қайтарди: «Ўртоқ Абдуҳолиқов, айтинг-чи, бирор гуноҳингиз йўқми? Бирор кор-ҳол юз берса, жавобгарликдан қўрқмайсизми? Тўғрисини айтинг...».

«Ҳеч нарсадан қўрқмайман, чунки менинг қўлларим ҳам, виждоним ҳам пок. Агар бирор нарсани яширган бўлсам деворнинг тагига қўйишаверсин...» «Дарҳол деворнинг тагига-я, —қўйқўз айёрона кулиб, ён дафтарига нималарнидир чизиб қўйди.

Яна шундай кун келдики, область партия комитетининг секретари барча бюро аъзолари олдида уни дўстона елкасидан олди: «Биродар, баджаҳл ва нодон кишиларга ишонганим учун кечир. Қўрқмаганинг, орқага чекинмаганинг учун раҳмат. Қайси колхозга — эскисигами ёки Свердлов номли колхозга борасан?» «Қаёққа юборсангиз шу ёққа бораман,— жавоб берди Абдуҳолиқов.— Бу ерда айтган кишиларингизга келганда эса... Улар баджаҳллиги тўғри, аммо нодон эмаслар. Мен сизга айтсам, улар ўзлари учун аҳлидирлар, умуман олганда эса партия учун ёт кишилар.

Район партия комитетининг янги секретари Сайфулла Сайдалиев уни Калинин номли колхозга олиб келганида машинани қишлоқ четида кутиб олган чоллар Абдуҳолиқовни кўзларида ёш билан қучоқлидилар. У таъсирланган ҳолда ўзи томон узатилган қўлларни сиқар ва ҳаяжонини ҳазил билан босмоқчи бўлиб ҳамманинг кулгиси остида, деди: «Дарбадар ўғлинг қайтиши» деб аталадиган картина бор. Қабул қиласизларми?», — деди. Нима деяпсан ўғлим!»— деди енгил таъна билан оқсоқоллардан бири.

Абдуҳолиқов кутиб олаётган одомон ўртасида колхоз правлениесига борар экан, унинг қувончи чексиз эди, аммо уни қўллаб-қувватлаб, қайтишига жуда катта ёрдам берган свердловликлар олдида ўзини қарадордек ҳис этарди. Уларсиз у ана шу оғир қурашга кўнгли доб берармиди ёки ҳаётининг охиригача алам ғамини ўзи билан олиб юрган бўлармиди... У унча баланд бўлмаган зинапояга кўтарилди ва бир лаҳза тўхтаб, нигоҳи билан қишлоқни, яқинигинада зумрадланиб турган Қурама тоғларни ва у яна меҳнат қилиши ва яшаши керак бўлган заминни қамраб олиш учун бурилди.

Вера ТКАЧЕНКО,
Пискент райони, Тошкент области.

(«Правда», 28 апрель)

МУСОБАҚА ИЛҒОРЛАРИГА ШОН-ШАРАФЛАР!

Тошкент области корхона ва ташкилотлари коллективлари В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигини мукосиб кутиб олиш учун авж олган социалистик мусобақага қўшилиб, хўжалик ва маданий қурилишнинг барча соҳаларида янги меҳнат ютуқларига эришдилар.

Саноат маҳсулотларини реализация қилиш бўйича 1979 йилги план 102,2 процент, меҳнат унумдорлиги бўйича эса 101,3 процент қилиб бажарилди. Планга кўшимча равишда 118 миллион сўмликка яқин маҳсулот реализация қилинди. Халқ хўжалиги барча тармоқларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати йилдан-йилга яхшиланиб бораяпти. Айниқса юқори сифатли кенг халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш тобора кўпаймоқда. Йил давомида область завод ва фабрикаларида ишлаб чиқарилаётган 440 турдаги маҳсулотга давлат «Сифат белгиси» берилди. Бу фахрий беш қиррали белги билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури 1075 тадан ортди. Бу саноат маҳсулотлари ялпи ҳажмининг 13 процентини ташкил этади. 1978 йилда бу кўрсаткич 12,4 процентга тенг эди.

Область қишлоқ хўжалиги янги, янада юқори поғонага кўтарилди. Унинг барча тармоқлари узлуксиз ривожланиб боряпти. Область қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари 1979 йилда рекорд кўрсаткичларга эришдилар ва олган социалистик мажбуриятларнинг анча ошириб бажардилар. 471 минг тонна, социалистик мажбуриятда кўзда тутилганидан 41 минг тонна кўп пахта етиштирилди. Пахта ҳосилдорлиги область бўйича биринчи марта гектар бошига ўртача 34,7 центнерни ташкил этди. 1978 йилга нисбатан анча кўп чорвачилик маҳсулотлари — гўшт, сут, тухум, жун, чарм хомашёси тайёрланди. Давлатга планга қўшимча равишда 1,1 минг тонна гўшт, 16,4 минг тонна сут, 14 миллион донага яқин тухум, 390 тонна жун сотилди. Ҳар бир сигирдан мажбуриятда белгиланган 3300 ўрнига 3320 килограммдан сут соғиб олинди.

Транспорт, алоқа, кўпгина қурилиш ташкилотлари коллективлари, савдо, коммунал-маиший хизмат кўрсатиш ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари ходимлари юксак социалистик мажбуриятларини муваффақиятли адо этишди.

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитети ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш, 1979 йилги халқ хўжалик плани ва социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун корхона ва ташкилотлар ўртасида ўтказилган область мусобақаси якунини қараб чиқдилар.

Қуйидаги коллективлар область социалистик мусобақаси ғолиби деб топилиб, Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг Ҳурмат китобига ёзиладилар ҳамда уларга дипломлар топширилади:

СССР Тракторсозлик ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги министрлигининг Тошкент агрегат заводи.

СССР Огир ва транспорт машинасозлиги министрлигининг «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмаси.

Чирчиқ «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси.

СССР Тракторсозлик ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги министрлигининг «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси.

«Союзювелирпром» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Тошкент ювелир заводи.

«Средазэнергоцвет м е т»-нинг энергетика жиҳозларини лойиҳалаш, созлаш, автоматлаштириш ва ремонт қилиш бўйича ишлаб чиқариш-техника корхонаси.

Ўзбекистон ССР Социал таъминот министрлигининг «Протезист» республика саноат бирлашмаси.

Тошкентдаги Ленин ордени Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли ишлаб чиқариш бирлашмаси.

Пахта тозалаш саноати министрлиги Ново-Жизненск луб заводи.

Ўзбекистон ССР озиқ-овқат саноати министрлиги Тошкент булка-кондитер комбинатининг макарон ишлаб чиқариши.

Тошкент шаҳар ижроия комитети маҳаллий саноати бошқармасининг Октябрь 50 йиллиги номли бирлашмаси.

Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлигининг Олмалиқ пиво заводи.

Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигининг Тошкент область алоқа ишлаб чиқариш-техника бошқармаси.

Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигининг Улуғ Октябрь 50 йиллиги номидаги Тошкент марказий телеграфи.

«Главташпассавтот р а н с» бошқармасининг Тошкент 2-автокомбинати.

«Ўзбекгидроэнергострой» трестининг «Ташэнергострой» қурилиш бошқармаси.

Ўзбекистон ССР Энергетика министрлиги Оржоникидзе гидроэлектростанциялари каскади.

Ўзбекистон ССР Автомобиль йўллари қурилиши ва эксплуатацияси министрлиги «Ташоблуправтодо р»нинг Коммунистик район йўл ремонт-қурилиш бошқармаси.

СССР Нефть ва газ саноати корхоналари қурилиш министрлигининг «Средазнефтегазстрой» трести 5-қурилиш бошқармаси.

«Главташкентстрой» Тошкент 2-уйсозлик комбинатининг 27-қурилиш-монтаж бошқармаси.

Ўзбекистон, ССР Саноат қурилиши материаллари министрлигининг Тошкент қурилиш материаллари комбинати.

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигининг 160-трести.

СССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг вакцина ва зардоб илмий-тадқиқот институти.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ўсимликлар биологияси экспериментал институти.

Оқтўрғон районидаги Ҳамид Олимжон номли колхоз.

Ғалаба районидаги «Победа» колхози.

Бўка районидаги Тимирязев номли колхоз.

Калинин районидаги «Москва» колхози.

«Матбуот» полиграфия комбинати.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Нашриёт, матбуот ва китоб савдоси ишлари бўйича давлат комитетининг Ангрен босмахонаси.

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшитириш давлат комитетининг радио уйи.

СССР Химия саноати министрлиги Олмалиқ химия заводининг санаторий-профилакторийси.

Область матлубот союзининг Янгийўл нон комбинати.

Тошкент область ижроия комитети савдо бошқармаси Чирчиқ умумий овқатланиш трестининг 2-ошхонаси.

Область маҳаллий саноатининг Оққўрғон тўқимачиликгалантерея фабрикаси.

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети ,область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитети область социалистик мусобақасида ғолиб чиққан корхона ва ташкилотлар коллективларини қизғин табриклаб, пойтахт областининг ишчилари ва колхозчилари, инженер-техник ходимлари, хизматчилари, барча меҳнаткашлари 1980 йилни зарбдор меҳнат йилига айлантириб, ленинчасига меҳнат қилишларига қатъий ишонч билдирдилар.

* * *

Ўзбекистон КП Тошкент область комитети, область ижроия комитети ва область касаба союзлари Совети Олмалиқ химия заводи иккинчи навбати реконструкциясини жадаллаштириш бўйича қурилиш ва монтаж ташкилотлари социалистик мусобақасининг 1980 йил март ойи якунларини кўриб чиқдилар.

Олмалиқ химия заводи иккинчи навбати реконструкциясини жадаллаштириш учун мусобақалашаётган бинокорлар ва монтажчилар В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги шарафига иш суръатларини қатъий оширишга эришмоқдалар. 1980 йил март ойи якунларида Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги «Средазтепломонтаж» ихтисослашган трестининг Олмалиқ «Стройтермоизоляция» бошқармаси коллективи энг яхши кўрсаткичларга эришди.

Олмалиқ химия заводи иккинчи навбатини реконструкция қилишни тезлаштириш бўйича социалистик мусобақанинг 1980 йил март ойи якуни бўйича Ўзбекистон ССР Монтаж ва қурилиш ишлари министрлиги «Средазтепломонтаж» ихтисослашган трести Олмалиқ «Стройтермоизоляция» бошқармаси коллективи (бошқарма бошлиғи Ҳарин, партия ташкилоти секретари Власов, қурилиш касаба союз комитети раиси Коптева ўртоқлар) ғолиб деб топилди. Бу бошқарма коллективи март ойи планини 108,0 процент қилиб бажарди, ҳар бир ишловчи ҳисобига бажарилган иш ҳажми 102,4 процентни ташкил этди.

Бошқарма коллективига Ўзбекистон КП Тошкент область комитети, ҳалқ депутатлари область Совети ижроия комитети ва область касаба союзлари Советининг кўчма Қизил байроғи ҳамда 500 сўмлик пул мукофоти берилди.

«Госкомсельхозтехникаанинг Тошкент тажриба ремонт-механика заводи коллективи бу йил қишлоқ механизаторлари учун 7 минг 300 та трактор двигателларини ремонт қилиб беради. Суратда: завод мотор цехининг бригада бошлиғи Т. Қолмонов бир группа илғор слесарлар К. Раҳимов, С. Тўрақулов, С. Ботиров ва М. Тэжиаслар билан навбатдаги двигателни ишлаш пайтида.

М. Нуриддинов фотоси.

А. СУЛАЙМОНОВ ДАЛАСИДА

— Қаҳрамонимиз Абдусаттор Сулаймонов шу киши бўлади,— деди «Ўзбекистон ССР 5 йиллиги» совхози партия ташкилотининг секретари С. Ҳожиқулов бизни агрегатдан тушиб шу томонга келаётган, юзлари қуёшда қорайган, кўзларидан меҳр ёғилаётган киши билан таништирар экан.

— Биринчилар қаторида чигит экишни тугаллаган эдик. Мана, кўриб турибсизлар,— карталарга ишора қилиб, деди А. Сулаймонов,— уларни бир текис ундириб олдик. Ҳозир кунига 5 гектар майдонга ишлов беряпмиз. Яқин кунларда биринчи культивацияни тугаллаймиз.

Звено аъзолари илғор тажрибаларни қўллаш, техникадан унумли фойдаланиш —ютуқлар омили эканлигини жуда яхши билишади. Шунинг учун бу йил тажриба тариқасида 12 гектар майдонга чигит пуштага экилди. Бу усул яхши самара бериши мумкинлигини ғўза ниҳолларининг тез авж олаётганлиги ҳам кўрсатиб турибди.

— Пахтакорларимиз устозим Энвер Алиев бошлиқ звено коллективи билан уч беш йиллиқдан бери белашадилар,— дейди А. Сулаймонов. Биз улардан пахта етиштиришнинг илғор усулларини ўрганиб, ҳосилдорликни ошириб бораётирмиз.

Бу йил ташаббускор звено аъзолари 60 центнерлик маррани эгаллаш учун курашмоқдалар. Бу мўл ҳосилга замин яратишда илғор пахтакорлардан Соттихон Алламахонова, Дилбар Маллабоева ва сувчилардан Юрий Кузнецов, Ҳолмат Абдураҳмоновлар жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар.

А. НОСИРОВА.
З. ТОШМУҲАМЕДОВА.

МАКТАБГА-ВИМПЕЛ

Доҳий В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги шарафига уюштирилган социалистик мусобақада фаол қатнашган СССР Ички ишлар министрлигининг Тошкент олий мактаби катта ютуқларни қўлга киритмоқда. Бу ерда тайёрланган етук мутахассислар ўзларининг жанговар постларида ҳалол меҳнат қилишмоқда.

Яқинда мактаб коллективи қувончли хабарнинг шоҳиди бўлдилар. Ўтган йили қўлга киритилган ютуқлар учун мактаб Иттифоқ Министрлигининг ўтган йили ўтказилган социалистик мусобақаси ғолиби деб топилди ва СССР Ички ишлар министрлигининг вимпели билан тақдирланди.

Ана шу юксак мукофотни топириш маросими ҳақиқий байрамга айлан

МУВАФФАҚИЯТ ОМИЛЛАРИ

1. ЛЕНИНЧАСИГА ЯШАЙЛИК ВА ИШЛАЙЛИК

Бутун мамлакатда бўлганидек, областимизда ҳам «Ленинчасига, коммунистчасига яшайлик, ишлайлик ва курашайлик!» мавзуида очиқ партия мажлислари ўтди.

Уларнинг иштирокчилари янада самаралироқ ва сифатлироқ меҳнат қилишга қатъий қарор берганликларини яна бир карра изоҳ этиб, партия XXV съезди, КПСС Марказий Комитети 1979 йил ноябрь Пленуми қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежнев кўрсатмаларини бажариш йўлида янада юксак натижаларга эришишга сўз бердилар.

Коммунистлар ана шу партия мажлисларида коммунистик тарбия ишларини янада такомиллаштириш зарурлиги тўғрисида ҳам қимматли фикр-мулоҳазалар билдирдилар.

Яқинда республика идеология активи КПСС Марказий Комитети «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори қандай бажарилаётганлиги ҳамда ўртоқ Л. И. Брежнев ўзига Ленин мукофотини топшириш маросимида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифаларни муҳокама қилди. Ўртоқ Ш. Р. Рашидов шу йиғилишда таъкидлаганидек, оммани тарбиялашнинг ленинча услубини тинимсиз ўрганиш, партия йўл-йўриқларини тўла ҳажмда амалга ошириш, пропаганда ва агитациянинг илмийлик савиясини ошириш, унга жонли, ижодий, ҳужумкор характер бахш этиш, унинг коммунистик қурилиш янги вазифаларини ҳал қилиш билан боғланишини кучайтириш — республика коммунистларининг, идеология фронти барча жангчиларининг шон-шараф ишидир.

Областимиздаги Ангрен, Чирчиқ шаҳарлари, Ўрта Чирчиқ, Коммунистик районлари, Тошкент шаҳрининг Фрунзе, Ленин, Ҳамза районлари партия ташкилотлари бу борада кўлгина ижобий тажриба тўплаганлар. Улар коммунистик тарбия масалаларига комплекс ёндашишга, аҳолининг турли табақалари хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ғоявий-сиёсий, меҳнат ва аҳлоқ тарбиясининг бирлигини таъминлашга астойдил киришмоқдалар.

Партия, совет, касаба союз, комсомол ҳамда жамоат ташкилотлари, давлат ва хўжалик органлари, идеология муассасаларининг меҳнаткашларни тарбиялаш борасидаги ишларни мўвофиқлаштиришнинг муайян системаси таркиб топмоқда. Бу система негизини область партия комитетининг 1980 йилда партиявий-сиёсий, хўжалик, идеологик фаолияти бўйича ташкилий тадбирлари, оғзаки сиёсий агитация ролини ошириш, ёшлар ўртасида ғоявий-тарбиявий ишни такомиллаштириш бўйича комплекс тадбирлар ва бошқалар ташкил қилади.

Область партия комитети пропаганда ва агитация бўлими меҳнат коллективларидаги социал-маънавий иқлимни янада чуқур ўрганиш ниятида шаҳар ва районлар бўйича идеологик иш паспортини ишлаб чиқди. Бу тарбиявий соҳадаги фаолият тўғрисида тегишли маълумотларни ўз вақтида олиб туриш, аҳлоқ тарбиясининг социал функцияларини кенгайтириш имконини бермоқда, меҳнаткашлар ижтимоий-сиёсий ва меҳнатдаги фаоллигини оширишнинг зўр омили — социалистик мусобақани янада кенгайтириш ишига кўмаклашмоқда.

Тошкент области ўнинчи беш йиллик тўртинчи йили якунларига кўра, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирланганлиги, областдаги 7 шаҳар ва район, 76 меҳнат коллективи Бутииттифоқ социалистик мусобақаси ғолиби деб топилгани бунинг далилидир. Шу беш йиллик тўрт йили мобайнида областимиздан 9 кишига Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони, 156 кишига Ленин ордени, 11712 кишига бошқа орден ва медаллар берилгани, юзлаб меҳнаткашлар СССР Бутииттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси медаллари олгани, Ўзбекистон ССР Меҳнат Шуҳрати китобига қайд этилгани диққатга сазовор.

Область меҳнаткашлари Ленин юбилейи йили учун янада юксак марраларни белгилаб олдилар. Саноат ходимлари 1979 йилга нисбатан ишлаб чиқариш ҳажмининг 6 процент ўсишини таъминлаш, йиллик планни 25 декабрга, умуман беш йилликни эса 17 ноябрга бажариш, Сифат белгиси қўйилган маҳсулотлар салмоғини 15 процентгача етказиш, пахтакорлар эса бутургига нисбатан янада юқори оқ олтин хирмони бунёд этишга аҳд қилдилар.

Ўртоқ Л. И. Брежнев мактубидан руҳланган чорвадорлар гўшт тайёрлашни 25 процент, сут олишни — 20, тухум олишни — 27 процент ошириш юзасидан олган мажбуриятларини адо этишга қатъий қарор қилишган.

Ана шу улкан вазифаларнинг бажарилиши коммунистик тарбия ишларининг қандай йўлга қўйилишига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Шу муносабат билан Чирчиқ шаҳар партия комитети секретари Нина Кирилловна Савченко бундай дейди:

— Ҳар қандай ишнинг муваффақияти аввало, меҳнат коллективида амалга ошади. Коллектив одамларни астойдил, онгли равишда меҳнат қилишга ўргатади, маънавий хислатларни тарбиялайди, ғоявий ва аҳлоқий жиҳатдан чиниқтиради. Шу боисдан ҳам шаҳар партия ташкилоти меҳнат коллективининг СССР Конституциясида белгиланган тарбиявий функцияларини яшаётганлигини ва ишчи-ёшларнинг ижтимоий фаолиятини янада чамбарчас ҳолда боғлаб олиб бориши талаб этади. Шу мақсадда Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинати, «Электрохимпром» бирлашмаси, трансформатор заводи ва бошқа корхоналарнинг раҳбарлари мастер ва бригадирлар, цех бошлиқлари, хўжалик раҳбарлари учун ўтказиладиган «идеологик планёрка»ларда фаол қатнашмоқдалар.

Чирчиқ шаҳар партия комитети, унинг бюроси раҳбар ўртоқларнинг бу борадаги ҳисоботларини тинглаб бормоқда.

Бекобод ва Янгийўл шаҳар партия комитетлари, Тошкент шаҳри Ленин ва Фрунзе район партия комитетларида ҳам худди шу каби ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Партия ташкилотлари меҳнат коллективларида соғлом вазиятни вужудга келтириш, бир кишининг ҳамма учун ва ҳамманинг бир киши учун масъулиятини ошириш масалаларида коммунистларга, идеология активига таянмоқдалар. Доимий ҳаракатдаги ишлаб чиқариш кенгашлари ва ишчи мажлислари, мастерлар, мураббийлар, ёш ишчилар, мутахассислар кенгашлари, ўртоқлик судлари каби жамоат ташкилотларининг тарбиявий функцияларини янада кучайтириш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Ҳозирги вақтда областда доимий ҳаракатдаги 1673 та ишлаб чиқариш кенгашлари мавжуд бўлиб, улар ишида 81,7 минг киши, жумладан, 52,3 минг ишчи қатнашаётир, улар социалистик мусобақани уюштиришда меҳнат коллективларининг ролини ошириш, юксак унум билан меҳнат қилиш учун зарур шарт-шароит, маънавий иқлимни яратиш масалаларини муҳокама қилмоқдалар.

Тошкент, Ангрен, Чирчиқ, шаҳар, Ғалаба, Бўка, Калинин район партия ташкилотлари меҳнаткашлар ижодий активлигини ривожлантириш; коллективизм, ҳислатларини тарбиялашда социалистик мусобақанинг таъсир кучидан яхши фойдаланмоқдалар. Жумладан, юзлаб коллективлар москвалик илғор корхона коллективларининг В. И. Ленин таваллуди 110 йиллигини муносиб кутиб олиш борасидаги ташаббуси маъқулланганди. Областимизда 50 мингдан ортиқ киши, 120 корхона, 665 цех ва участка, 293 бригада Ленин юбилейига беш йиллик топшириқларини бажариш юзасидан олган мажбуриятларини уддаладилар. 9 мингдан зиёд ходим ўн биринчи беш йиллик ҳисобига меҳнат қилмоқда.

Шунингдек, 276 минг киши, 7 минг бригада, 1538 цех ва участка янгийўлликларнинг «Қолоқларсиз ишлаймиз» ташаббусини қўллаб-қувватлаган. «Самарадорлик беш йиллигига — ишчи гарнизони» ташаббуси ҳам кенг қулоч ёйган. «Энг яхши токарь», «Энг яхши слесарь», «Энг яхши трактор чи», «Олтин қўл уста» конкурс мусобақаларини уюштириш ҳам тобора оммалашаётир.

Шу кунларда областимиздала меҳнаткашлари илғор пахтакорлар, ғаллакорлар, чорвадорлар, сабзавоткорлар ва пиллачиларнинг областдаги партия комитети маъқуллаган ташаббусларини қизғин кутиб олдилар.

Хуллас областимизда ҳамма жабҳада мусобақа тобора кенг қанот ёймоқда. Эндиликда ана шу мусобақа қатнашчиларини моддий ва маънавий рағбатлантириш масалалари ҳам алоҳида эътибор беришни талаб этади. Бу борада бизда талай ижобий тажриба тўпланган. Ҳар йили мунтазам равишда энг кўп пахта, пилла, ғалла, чорва, сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва мева етиштирган хўжалик коллективларига районларга область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроқлари топширилади. Ўтган йили эса ёш механизаторлар учун икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунова махсус мукофотн таъсис этилди.

Меҳнат коллективлари, колхоз, совхоз, бригадаларга вимпел ва байроқлар топшириш, улар номини Ҳурмат тахтасига ёзиш, илғорлар шарафига байроқча кўтариш, миниатдорчилик ҳатлари йўллаш ва ҳоказолар ҳам илғорларни маънавий рағбатлантириш формалари сифатида кенг ёйилган.

Аммо, шундай коллективлар ҳам борки, уларда мукофотларни топшириш расмиятчилик учунгина ўтказилади, ким қайси хизмати учун қандай мукофотлангани баъзан коллектив ҳам хабарсиз қолади. Шу боисдан, ҳамма коллективларда шундай бир вазиятни вужудга келтириш лозимки, ҳар бир ходим ўзи ва ўртоқлари қандай ишлаётганидан, қайси илғор нима учун қандай тақдирланаётганидан ўз вақтида хабардор бўлиб турсин. Намунали меҳнат, юксак маънавий фазилатлар коллектив томонидан албатта тан олинши, у ёки бу шаклда албатта тақдирланишини ҳис қилиб, билиб турсин.

Г. АИРАПЕТЯНЦ,
область партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудирининг ўринбосари.

А. МАКСИМОВ,
СССР Журналистлар Союзининг аъзоси.

ИДЕОЛОГИЯ ВА ҲАЁТ

ПОЙТАХТДАГИ «Учқун» тўқимачилик галантерея ишлаб чиқариш бирлашмасининг илғор тўқувчиси И. Кислова смена топшириқларини мунтазам ошириб бажариш билан бирга, фақат аъло сифатли маҳсулот тайёрламоқда. Суратда: И. Кислова ёш тўқувчи М. Йўлчиевага маслаҳатлар бермоқда.

П. ЕРЕМЕЕВА ва А. Бекенова Тошкент тўқимачилик комбинатининг ёш ишчилари. Улар улкан коллективга яқинда келиб қўшилган бўлишларига қарамай, ўз касбларини пухта ўзлаштириб, пешқадамлар сафидан ўрин олишди.

М. Нуриддинов фотолари.

ТАРАДДУД

«ПОЛИТОТДЕЛ» колхози пахтакорлари якунловчи йилда 2000 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 45 центнердан хирмон кутариш юзасидан юксак мажбурият қабул қилишган. Ваъдага вафо қилиш учун астойдил курашаётган хўжалик аъзолари ҳамма майдонларга чигитни юксак агротехника қоидалари асосида уюшқоқлик билан экиб олдилар.

Колхознинг марказий участкасида экиш суръати, айниқса, жадал ва сифатли олиб борилади. Константин Ким, Пётр Тен, Валентин Тянлар раҳбарлик қилаётган бригадалар коллективлари баҳорнинг қулай келганлигидан самарали фойдаланиб, чигитни хўжаликда биринчилар қатори экиб бўлдилар. Айни кунларда униб чиқаётган ниҳолларга ишлов беришга ҳозирлик кўрилмоқда.

А. ШАҲАНОВ.
Коммунистик районн.

МАВЗУ МАСЪУЛИЯТИ

Совет кишилари В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигини сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати ғоят юксалган бир вазиятда кутиб олдилар. 1979 йилнинг ўрталаридаёқ Москва, Ленинград корхоналарини илғор ишчилар ташаббуси билан бутун мамлакатда шахсий беш йиллик топшириқларини 1980 йил 22 апрелгача бажариш юзасидан ватанпарварлик ҳаракати авж олиб кетган эди.

Ўрта Чирчиқ район партия комитети, халқ депутатлари район Совети органи «Машъал» газетаси меҳнат коллективларининг доҳий юбилейини муносиб совғалар билан кутиб олишга азму қарор қилганликларини ўтган йилнинг ноябрь ойида хабарлаган эди. Шу йил бошларида эса барча меҳнаткашларга мурожаат қилиб, юбилей шарафига бошланган мусобақани янада авж олдиришга даъват этди.

Газетанинг 22 январь сонида бир группа илғор чорвадорларнинг ташаббуси эълон қилинди. Бу ташаббус район партия комитети томонидан қизғин маъқулланди. Унда «Ленин йўли» колхозидан Людмила Полякова, Охунбобоев номли колхоздан Ханифа Бойбулова, Свердлов номли колхоздан Боғлар Ҳасанова каби илғор сут соғувчилар ҳар бош сигирдан 4,5—5,2 минг килограммдан сут соғиб олишга аҳд қилганликлари билдирилган эди.

Орадан кўп ўтмай пахта усталаридан бир группаси янги ташаббус билан чиқди. Пахтачиликда суяги қотган ўн бир азамат бу йил гектаридан 50—57 центнердан «оқ олтин» ҳосили кутаришга бел боғлади. Бу ташаббус «Доҳий юбилейи йилида ленинчасига, коммунистчасига ишлаймиз» деган шиор остида очиқ партия йиғилишлари бўлиб ўтди. Газета 11 мартдаги бош мақоласида «Очиқ партия йиғилишларида фойдаланилмай ётган резерв ва имкониятлар очиб ташланиши ва улардан фойдаланиш йўл-йўриқлари кўрсатиб берилиши зарур» деб тўғри таъкидлади.

Орадан кўп ўтмай газетанинг бир саҳифаси Охунбобоев номли колхоз коммунистларининг очиқ партия мажлисига бағишланди. Аввало шуни айтиш керакки, редакция бу муҳим тадбирга жиддий ёндошиб, унга катта ўрин бериб тўғри иш қилган. Бироқ, материални таҳлил қилганда юзакичилик дарҳол кўзга ташланади. Ҳисоботда қизғин муҳокама руҳи сезилмайди. Резерв ва имкониятлар ҳақида дурустроқ мунозара бормайди.

Март ойининг охирларида эса газета 56-иксиссослашган автокорхона раҳбари С. Ҳалиловнинг «Юбилей шарафига» сарлавҳали мақоласини эълон қилди. «Биз,—деб ёзади муаллиф, — 22 апрелгача беш йилликнинг тўрт ярим йили планини бажариш мажбуриятини олдик». Юбилейнинг нишонланишига оз фурсат қолганида бундай мажбуриятнинг қабул қилиниши кишини таажжублантиради. Редакция бу паллада мажбурият олган корхонани эмас, балки мажбуриятни муваффақиятли бажараётган коллективлар фаолиятидан қиноя қилиши керак эди. Бошқа материалларда ҳам шундай номутаносибликлар учраб туради.

Юбилей шарафига кўплаб коллективлар юксак оширилган мажбуриятлар қабул қилганлигини ҳамма яхши билади. Газета мана шу мажбуриятларнинг қай даражада бажарилаётганлигини назорат остига олиб, илғорлар тажрибасини очиб берганда мақсадга мувофиқ бўларди.

В. АБДУЛЛАЕВ,
ТошДУ доценти.

МАТБУОТ ОБЗОРИ

маълум қилмади. Газетанинг 18 март сонида босилган бир материалга «100 мингта энг яхши трактор бера олсак...» деган сарлавҳа қўйилган. Кўтарилган тема, яхши. Автор қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини механизациялаш соҳасида қилинган ишларни баён этмоқчи. Лекин доҳийнинг бу орзуси район, хўжалик миқёсида қандай амалга оширилганлиги газетхонга қоронғу бўлиб қолган.

Материалларидаги умумийлик навбатдаги сонларда ҳам сезилади. Маълумки, В. И. Ленин таваллудининг 110 йиллиги олдидан жойларда «Ленинчасига, коммунистчасига яшаймиз, ишлаймиз ва курашамиз» деган шиор остида очиқ партия йиғилишлари бўлиб ўтди. Газета 11 мартдаги бош мақоласида «Очиқ партия йиғилишларида фойдаланилмай умумий сарлавҳа остида эълон қилинди. Ташаббускорлар бу йилги режаларини деққонча тилда баён қилдилар.

Газетанинг 18 февраль сони «Ленин — бахт-иқболимиз, қуёшимиз», «Доҳий Ленин номи билан», 18 мартда эса «Ленин ҳамма тириклардан тирик ҳар қачон» деган умумий сарлавҳалар остида подборка ва саҳифалар эълон қилди. Уларда Ленин ғоялари район мисолида қандай тантана қилаётганлиги ифодалаб берилди.

Лекин материалларнинг ҳаммасида ҳам мавзу тўлақонли ёритилган деб бўлмайди. Газета бир сидра ташаббускорлар мажбуриятини эълон қилди-ю, аммо уларга кимлар издош бўлганлигини

ДУНЁ ОВОЗИ
чет эл хабарлари

ЯКШАНБА КУНГИ ЧЕТ ЭЛ ВОҚЕАЛАРИ

КОБУЛДА ТАНТАНАЛАР

КОБУЛ. Афғон халқи Апрель революциясининг икки йиллигини тантана билан нишонлади. Шу революция туфайли эксплуататорлар ҳокимияти ағдариб ташланиб, Афғонистонда янги адолатли жамият барпо этиш йўли очилди.

Шаҳарнинг ўн минглаб аҳолиси пойтахт марказидаги Чаман Ҳузури майдонига тўпландилар. Бу ерда ҳарбий парад ва меҳнаткашлар вакилларининг байрам намойиши бўлиб ўтди.

Қўшинлар парадидан кейин майдон ҳар хил миллий кийимлар кийган, гулдасталар ва байроқчалар кўтарган минг-минглаб намойишчилар билан лиқ тўлди. Аҳоли барча қатламларининг — Кобул саноат корхоналари ишчилари, атроф-теваракдаги қишлоқларнинг деҳқонлари, министрликлар ва идораларнинг хизматчилари, зиёлилар вакиллари, мактаб ва лицей ўқувчилари, олий ва ўрта таълим ўқув юртлари талаблари афғон революциясини, унинг ривожидаги иккинчи босқични табрикладилар.

ЭРОНДАГИ ВОҚЕАЛАР ТЕВАРАГИДА

ВАШИНГТОН. АҚШ президенти Ж. Картер Оқ уйда тошқинлик кенгаш ўтказди. Шу кенгашда унинг миллий хавфсизлик билан шуғулланувчи ёрдамчиси З. Бжежинский Эронга қарши жосусликда айбланиб, Теҳронда гаровга олинган америкаликларни озод этиш мақсадида қилинган қўпорувчилик ҳаракати барбод бўлганлигининг «тафсилоти» тўғрисида маълумот берди.

Бу ерда чиқадиган газеталар Вашингтоннинг Эрон даштларидаги барбод бўлган авантюра найрангларининг янги тафсилотларини баён қилмоқдалар. Газеталар бу ўринда гап АҚШ махфий агентлари ва Марказий разведка бошқармаси уюштирган «бешинчи колонна» кучларининг Эронда тўнтариш қилишга уринганлиги тўғрисида бораётганлигини энди рўй-рост ёзмоқдалар.

ТЕҲРОН. Эрон президенти А. Банисадр матбуот конференциясида сўзга чиқиб бундай деди: «Вашингтоннинг бу ҳаракатлари гаровга ушлаб турилганларни озод этишга интилишни эмас, балки бизнинг революциямизни йўқ қилиш истагини билдиради. Картер гаровга олинганлар тўғрисида сариқ чақалик ҳам ғамхўрлик қилаётгани йўқ. У халқаро кескинликни кучайтиришга жон-жаҳди билан уриниб, АҚШда васвасани кучайтирмоқда, қуроллы интервенция ва агрессия учун баҳона изламоқда, жаҳонни яппи ҳалокатга судрамоқда».

Теҳрон телевидениеси Америка қўпорувчи группаси қочиб кетган жойдан икки марта репортаж берди. Десант туширилган мана шу жойда АҚШнинг «С-130» ҳарбий транспорт самолётининг ва у билан тўқнашган ҳарбий вертолётнинг парчалари қолган эди.

Хабарда уқтириб ўтилишича, эронликларнинг қўлига тушган харитага қараганда барбод бўлган ҳаракат иштирокчилари Уммон кўрфази районида Эрон чегарасидан ўтиб, дашти Кабир орқали Теҳронга келмоқчи бўлганлар.

БЕМАЪНИ ҲАРАКАТГА ҚАРШИ

ВАШИНГТОН. Америка маъмуриятининг милитаристик йўлига қарши норозилик намойишида қатнашиш учун 40 мингдан ортиқ америкалик АҚШ пойтахтига келди.

Намойишчилар «Халқ учун тинчлик керак», «Пентагонни жиловлаб қўйингиз», «Картер! Америка халқи ядро фалокатига қарши» деб ёзилган шиорларни кўтариб, Вашингтон кўчаларидан ўтдилар.

Урушга қарши ҳаракатнинг машҳур активисти Сент-Луисдаги Вашингтон номли университет профессори Б. Коммонер митингда сўзга чиқиб «Картер маъмурияти америкаликларнинг ва бутун дунё халкларининг ҳаёти билан ўйнашаяпти», деди. У Эронга қилинган қуролли нивоғарликни кескин қоралади.

(ТАСС, 28 апрель).

АМЕРИКА Қўшма Штатларида 6 миллиондан ортиқ киши инсонининг асосий ҳуқуқларидан бири—меҳнат қилиш ҳуқуқидан маҳрумдир. Айниқса, ёшлар орасида ишсизлик жуда кўп. Бунинг асосий сабаби шундаки, ҳарбий ҳаражатлар мисли кўрилмаган даражада ортиб бориб, ёш америкаликларга ёрдам кўрсатиш программасига ажратиладиган маблағлар эса қисқариб кетмоқда. Суратда: пойтахтда яшовчи мана бу йигит мустақил ҳаёт йўлига қадам қўймай турибоқ, ўз номини ишсизлар рўйхатига ёздирмоқда.

АДН—ТАСС фотоси.

ТРИХОГРАММА КЎПАЙТИРУВЧИ ФАБРИКА

● ДЕҲҚОН КЎНГИЛДАГИ АГРЕГАТ.
● АРЗОН ВА ҚУЛАЙ.
● САЛОМАТЛИК УЧУН КОНИ ФОЙДА.
● ҲОСИЛДОРЛИК ОМИЛИ.

Бу корхона коллективининг ажойиб анъанаси бор. Асосий саноат маҳсулотидан ташқари қишлоқ хўжалик эҳтиёжлари учун ҳам зарур мосламаларни ишлаб чиқаришга одатланган. Деҳқончилик, чорвачилик маданиятини оширишга ҳисса қўшишни, қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг оғирини енгил, мушкулини осон қилишга баҳоли қудрат ёрдам қўлини чўзишни ҳам фарз, ҳам қарз деб билади.

Республикамиз колхоз ва совхозларида чорвачилик ҳамда паррандачиликни жадал суръатлар билан ривожлантириш бошланганида «Миконд» заводи меҳнат аҳли бу ҳайрли ишдан четда қолишни ўзига эп билмади. Корхона коллективи қисқа муддатда ўз ташаббуси билан паррандачилик фабрикалари ва чорвачилик бинолари ҳароратини зарур даражада саклаб турувчи кондиционерлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Узбекистон ва бошқа республикалар эҳтиёжлари учун минглаб шундай мослама етказиб берилди. Барча чорвачилик ва паррандачилик бинолари кондиционерлар билан тўла таъмин этилди. Шунинг учун унга талаб қолмади. Уни ишлаб чиқаришни тўхтатишга тўғри келди.

Шундан сўнг корхона маъмурияти республика Қишлоқ хўжалиги министрлигидан завод учун қандай топшириқ бўлиши мумкинлигини суриштирди. Бу министрлик учун айни муддао бўлди, чунки зарарли ҳашоратларга қарши биологик усул билан кураш учун зарур, асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш масаласи кўнгланг бўлиб турган эди. Завод коллективи механизациялашган биофабрика шароитларида трихограммани кўпайтириш учун линия ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳақидаги буюртмани бажонидил қабул қилди.

Бундай линиялар деҳқончилик, айниқса пахтачилик учун жуда катта аҳамиятга эга. Улардан фойдаланиш билан деҳқончилик маданияти кескин ошади. Бу тажрибада тўла исбот этилди. У қишлоқ хўжалигида зараркунанда ҳашоратларга қарши курашнинг биологик усулларини кенг қўлланиш имконини беради. Бу усулнинг жуда катта социал аҳамияти ҳам бор. Уни қўлланиш билан қишлоқ хўжалик экинларига зарар етказувчи ҳашоратларни қириш учун заҳарли химикатларга ҳам ҳожат қолмайди. Демак, атроф муҳит мусаффо туради. Айни вақтда иқтисодий самараси катта бўлади. Ҳар йили заҳарли химикатларни сотиб олиш учун сарфланаётган харажатлар фойдага қолади.

Областимиздаги қатор хўжаликларнинг бу соҳадаги фаолияти фикримизнинг ёрқин далили бўлиши мумкин. Ҳозирги вақтда Коммунистик районидаги «Политотдел» колхозида трихограммани кўпайтирувчи иккита лаборатория ишлаб турипти. Бу лабораторияларда хўжалик эҳтиёжи учун етарли миқдорда фойдали ҳашорат етиштирилмоқда. Шунинг учун ҳам колхозда заҳарли химикатлар ишлатишга тўла чек қўйилди. Бундан хўжалик ҳар йили 80—90 минг сўм маблағни тежаб қолмоқда. Шундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Трихограмма механизациялашган линияси шу вақтгача Москвадаги «Агроприбор» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасидагина тайёрлаб келинарди. Албатта, у талабни тўла қондира олмасди. Шунинг учун бундай линияни ишлаб чиқаришни республикамизда ҳам ўзлаштириш зарур бўлиб қолди. Бу вазифани «Миконд» заводи коллективи ўз зиммасига олди.

Корхона маъмурияти, партия ва жамоат ташкилотлари вазифанинг муҳимлигини ҳисобга олиб, трихограммани кўпайтирувчи технологик линияни ишлаб чиқаришни қисқа муддатларда йўлга қўйишга қаратилган қатор ташкилий-техникавий тадбирлар комплексини белгиладилар.

Шу мақсадда директор Х. Н. Тожиев раҳбарлигида махсус штаб тузилди. Корхонанинг зарур соҳалар бўйича етук мутахассислари, ишлаб чиқариш новаторлари унга аъзо бўлдилар. Автомашиналар гаражи биноси зудлик билан янги маҳсулот ишлаб чиқаришга мослаштириб, қайта ускуналанди. Тажрибали, малакали ишчилар янги цехга ўтказилди. Михаил Григорьевич Орехов бошчилигидаги йиғувчилар, Фарид Собиров бошлиқ электр монтажчилари, Фарид Ҳасанов раҳбарлик қилаётган тайёрловчилар ва бошқа ишчи-хизматчилар янги цехда ишлай бошладилар.

Мўъжазгина цех. Одатдаги турли-туман станоклар, шовқин-сурон йўқ, бу ерда. Жуда осойишта, ҳаммаёғи чиннидек топ-тоза. Лекин, яратувчилик меҳнати ҳукм сурмоқда. Коржома кийган ишчиларнинг қўли-қўлига тегмайди. Улар технологик линиянинг навбатдагисини йиғмоқдалар. Иш қуроллари миҳ ва гайка бурагичлардан иборат, олдиларидаги чизмаларга қараб линиянинг юзик қисмларини, узелларини йиғишмоқда. Линия ишини белгиланган программа бўйича мустақил бошқарадиган мураккаб электрон аппаратларини созлаб кўришмоқда. Ҳаммага ишга цех бошлиғи Раҳматилла Пўлатович Абдусаматов, завод бош механигининг ўринбосари Аркадий Наумович Геллерлар бош-қош.

— Ҳозир ишчиларимиз иккинчи механизациялашган линияни йиғишмоқда, — дейди цех бошлиғи. — Биринчисини 20 мартда тайёр қилиб қўйган эдик. Ишчиларимиз масъулиятини чуқур ҳис қилиб меҳнат қилганликлари туфайли у муддатидан 10 кун илгари йиғиб бўлинди.

Раҳматилла Пўлатович тайёр линиянинг техник характеристикасини ҳикоя қилар экан унинг узеллари нимага хизмат қилишини, трихограмма ҳашоратини кўпайтириш технологиясини батафсил гапириб берди. Комплект 11 та асбоб-ускунадан ташкил топган бўлиб, унинг учун 10,5 минг донадан ортиқ деталлар ишлатилар экан. Улар 200 хилдан ошиқроқ турдаги материалларидан ясалади. Бу деталларни тайёрлаш учун салкам 250 дона штамп, қолип шакли, мосламалар махсус қиркув асбоблари ва бошқа махсус технологик анжомдан, 60 хил катта-кичиклиқдаги металл буюмларидан фойдаланилмоқда.

— Шунча миқдордаги деталлар ва анжомларни фақат ўз кучларингиз билан тайёрладингларми? — сўрадик бош механик ўринбосаридан.

— Улар шунчалик хилма-хил ва тайёрлаш технологияси турличаки, бу ишни фақат ўз кучимиз билан қисқа муддат ичида уддалаёлмасдик, — дейди у. — Қатор бошқа корхоналар ёрдам берди. Айрим деталларни тайёрлашди, анжомларнинг 30 процентдан ортиқроғини етказиб беришди.

— Айниқса, «Компрессор», «Ташсельмаш», «Ташавтоматика» заводлари, «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Москвадаги «Агроприбор» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективларидан жуда миннатдормиз, — дейди цех бошлиғи. — Улар барча илтимосларимизни кўнгилдагидан ҳам зиёда қилиб бажаришди. Биринчи линиянинг барвақт йиғилишида бу ёрдам ҳам катта роль ўйнади. Давлат комиссияси уни яхши баҳо билан қабул қилиб олди.

Биринчи механизациялашган линия Коммунистик районидаги Свердлов номли колхозга жўнатилади. Унинг нархи ҳам унчалик қиммат эмас.

Коллектив бу йил ўнлаб механизациялашган линия ишлаб чиқаришни таъминлаш учун барча резервлар ва имкониятларни ишга солмоқда. Барча корхоналар завод буюртмаларини — турли деталлар ва анжомларни ўз вақтида етказиб берсалар нур устига нур бўларди.

М. МИРҲАМИДОВ.

ЧАДДАГИ АҲВОЛ

ЯУНДЕ, 28 апрель. (ТАСС). Чад пойтахти-Нижаменада Чад матбуот агентлигининг хабари тарқатилди. Шу хабарга кўра, бу ерда миллий бирлик ўткинчи ҳукуматининг махсус мажлиси бўлиб ўтган. Мажлисда Чад давлатининг бошлиғи, ҳукумат раиси Гукуни Уэддей, ҳукуматнинг бошқа аъзолари иштирок этишган.

Хабарда таъкидланишича, мажлисда миллий мудофаа давлат министри Хиссен Хабрени «исёнчилик ҳаракатлари учун» лавозимидан олиб ташлаш тўғрисида қарор қабул қилинган. Маълумки, Хабре қўшинлари беш ҳафтадан кўпроқ вақт мобайнида ҳукумат раисининг кучларига қуролли қаршилик кўрсатиб келган эдилар. Худди мана шу сабабдан унинг тарафдорлари Муҳаммад Солих Ахмат ва Хожаро Сенусси ҳам министрлик лавозимларидан бўшатилди.

Г. Уэддей имзолаган декретда барча бўшаб қолган лавозимлар давлат бошлиғи ихтиёрига берилади, деб уқтириб ўтилади. Мазкур қарор Лагосда ўтган йил августа ойида Чаддаги барча ҳарбий-сиёсий гуруҳлар имзолаган миллий иноқлик тўғрисидаги битимга асосланади, дейилади шу декретда.

Чет эл ахборот агентликларининг хабар беришича, Чад министрлар кабинети мажлисида Х. Хабре ва унинг тарафдорлари иштирок этган эмас. Миллий мудофаа давлат министрининг вакили Лагос битими ҳукумат раисига ўткинчи ҳукуматдаги барча гуруҳларнинг розилигини олмай туриб бирон бир қарор қабул қилинишига йўл бермайди, деб илгари маълум қилган эди.

УЛАР ТОШКЕНТДА УЧРАШДИЛАР

XXXV

«Бу ерда — Угра ва Шаня дарёлари соҳилида 1941 йилнинг 8 октябридан 11 октябригача 194-ўқчи дивизиясининг туркистонча жангчилари немис-фашист босқинчиларига қарши жанг қилганлар. Ватан озодлиги ва мустақиллиги учун жон фидо қилган қаҳрамонларга абадий шон-шарафлар бўлсин».

Бундан 11 йил муқаддам кўш дарё соҳилидаги Товарково поселкасида очилган меъмориалга ана шу сўзлар ёзилган эди.

Ҳа, бу дивизия ҳақида кўшиқлар тўқиса бўлади. У жанговар шон-шуҳрат йўлини босиб ўтди. Улуғ Ватан уруши тарихига ўз номини абадий ёзиб қолдирди.

Қизил Байроқли 194-Речица ўқчи дивизияси 1941 йилда Тошкент областида ташкил қилинган эди. Фашист газандалари Ватанимиз тупроғига хоинона бостириб кирганларида жангчилар биринчилар қатори фронтга отланишди. 1941 йилнинг 5 июлидаёқ позицияга йўл олди. Улар бир ҳафтадаёқ Москва остонасида бўлишган.

Дивизия жангчилари шу йилиёқ Серпухов шаҳрини мудофаа қилишда мардлик ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатишди. Курск ҳалқасида бўлган жанглардаги матонати учун Қизил Байроқ ордени билан мукофотланади. Днепрни муваффақиятли кечиб ўтиб, Речица шаҳрини босқинчилардан озод қилганлиги сабабли унга шу шаҳар номи берилади.

Ўқчи дивизия бўлинмалари ўз жанговар йўлини Шарқий Пруссияда якунлади. Жангчилар Ғалаба байрамини Кенигсберг шаҳрида нишонладилар.

Фашизм устидан қозонилган буюк ғалабанинг 20 йиллиги арафасида Москвада дивизия ветеранлари Совети ташкил қилинди. Ушанда бўлиб ўтган биринчи учрашувда бор-йўғи 20 собиқ елкадош дийдор кўришган эди. Шундан бери Ғалаба байрами арафасида учрашувлар ўтказиб туриш анъанага айланиб қолди.

Дивизия собиқ жангчиларини излаб топиш ва уларни ветеранлар советига бирлаштирида Иттифоқимиздаги 22 мактабнинг қизил изтопарлари салмоқли ҳисса қўшишди. Айни кунларда бу мактабларда дивизиянинг жанговар шоншуҳрат йўлини акс эттирувчи жамоатчилик музейлари ишлаб турибди. Ўқувчилар ҳозир ҳам собиқ елкадошларни қидиришни давом эттиришмоқда. Бугунги кунга келиб улар сони 400 нафардан ошиб кетди.

Ветеранлар бу сафар Тошкент шаҳрида учрашишди. Буюк ғалабанинг 35 йиллиги олдидан область комсомол комитети ва 194-ўқчи дивизия ветеранлар совети Тошкент секцияси уюштирган бу анжуман ҳақиқий байрамга айланиб кетди. Унинг тантанали қисмида собиқ жангчилар ўз хотираларини эслашди. Оловли йилларнинг унутилмас кунлари ҳақида бир-бирларига ҳикоя қилдилар. Ветеранларни пионерлар муборакбод этишди.

— Дивизиямизда ўзбек жангчилари жуда кўпчиликни ташкил қиларди, — дейди дивизия ветеранлар Советининг раиси Л. П. Гречко. — Биз бугун Абзалов, Нурматов, Камолов, Сатторов, Холматов, Нуриддинов каби собиқ жангчиларнинг кўрсатган жасоратларини яхши эслаймиз. Советимиз аъзолари сони йил сайин ортиб бораётир. Ўйлайманки, бу галги сафаримизда ҳам янги-янги елкадошларимизни топамиз.

Республика халқ ёзувчиси Иброҳим Раҳим ҳам оловли йилларда дивизия бўлинмалари составида жанг қилган. Ветеранлар учрашувида ёзувчига Калуга область Жуковский районидаги Троицкий қишлоғининг фахрий граждани деган гувоҳнома топширилди.

Ветеранлар пойтахтдаги Ленин ҳайкали пойига, Номаълум солдат маъмориалига гулчамбарлар қўйдилар. Шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини бориб кўришди.

Р. ШЕРАЛИЕВ.

Суратларда: Қизил байроқли 194-Речица ўқчи дивизиясининг ветеранлари Тошкентда.

В. Коврин фотолари.

НОМАЪЛУМ ҚАҲРАМОНЛАР

Бундан бир неча йил илгари қардош Белоруссияга бориб, Улуғ Ватан уруши йилларида гитлерчи босқинчиларга қарши жанг қилган жойларимда бўлдим. Гомель областининг табаррук ерларини зиёрат этдим. 1943 йилнинг куз ойларида бу ерларда шиддатли жанглар бўлиб ўтган эди. Бизнинг гвардиячи танк қисмимиз 65-армия жангчилари билан Днепр дарёсини кечиб ўтиб, Лоев-Речица районидаги далаларида, қалин ўрмонзорларида, аҳоли жойларида ёвуз гитлерчиларни қақшатгич зарбаларга дучор этардилар.

Қисмларимизнинг олдинга силжишларида маҳаллий аҳоли, айниқса душман орқасида партизанлик урушини олиб борган халқ қасосқорлари катта ёрдам берардилар. Улар душманнинг қаерда куч тўплаганини, унинг кучсиз томонлари ва қайси томонга кочишга тимирлаётганлиги ҳақида аниқ маълумотларни келтирардилар. Бу муҳим маълумотлар асосида ҳужум жангларини кучайтириб, олдинга ўтиб борардик, қадирдон ерларни босқинчилардан тозалардик.

Гитлерчи босқинчилардан тозаланган жойларда маҳаллий аҳоли бизларни шоду-хуррамлик билан кутиб оларди, партизанлар билан учрашувлар бўлиб ўтарди. Бу учрашувларда, партизан отрядлари орасида Ўрта Осиёлик жангчиларни ҳам учратиб қолардик. Жанг вақтларида ҳам улар билан ёнма-ён туриб, гитлерчиларга қақшатгич зарбалар берардик. Жанглар бўш вақтларда эса бирга ўтириб, гурунглашиб, бирга тамаки тортиб, жанг тафсилотларидан сўз очардик.

Яқинда қўлимга «Улуғ Ватан уруши йилларида Белоруссияда умумхалқ партизанлар ҳаракати» деган 2 жилдли иборат китоб тушди. Бу китобларни варақлаб, оловли йилларда Белоруссияда, партизанлар билан бирга гитлерчи босқинчиларни қақшатганимиз ёдимга тушди. Афсуски, ўша жангоҳларда кўрган ҳамюртларимнинг исмлари ва туғилган жойларини сўраб-ёзиб олмаган эканман. Бир лаҳзалик учрашувларда ҳол-аҳвол сўраш амри маҳол эди. Олдинда уларни ҳам, бизларни ҳам янги жанглар кутарди.

Китобни варақлар эканман, ўша шиддатли жанглар ва ҳаёт-мамот олишувлари қаҳрамонларининг орасидаги юртдош баҳодирлар номларига кўзим тушади. Унинг биринчи жилдида бундай сўзлар ёзилган:

1942 йил 29 сентябрь. Слоним—Лесная темир йўл участкасида душманнинг фронтга катта кучлар олиб бораётган ҳарбий эшелони портлатилди. Паровоз ва 11 вагон мажақланган, олти вагон шикастланган. 300 гитлерчи ўлдирилган ва ярадор қилинган. Бу жангда Н. Белих, Б. Белоусов, Мақсуд Холов, А. Никитюк, А. Якунин, В. Казак, И. Пенягин, М. Тихон, И. Жаровцев, Қўлдош Тулебоев, В. Гаранин, М. Трухин (52-группа) қатнашганлар.

1942 йил 31 сентябрь. Битень—Лесная темир йўл участкасида душманнинг фронтга ҳарбий техника (танк ва артиллерия) олиб бораётган ҳарбий эшелони портлатилди. Паровоз ва 12 вагон яксон этилди. Олти вагон шикастлантирилди. Бу жанговар топшириқни бажаришга 52-группадан 12 партизан борган. Улар орасида Мақсуд Холов билан Қўлдош Тулебоев ҳам бор эди.

Бир ҳафта ичида бекиёс уч жасорат кўрсатган бу ватан ботирларининг кейинги исми Исҳоқ Абдуллаевич экан. Ёки Исянов деган партизан ҳақида ҳам сўз боради. У Эсоновдир.

Пискентда Деҳқонбой Қосимов деган партизан яшайди. У Улуғ Ватан уруши йилларида жангоҳда оғир ярадор бўлиб, душман қўлига тушади: лекин асирликдан қочиб белоруссиялик халқ қасосқорлари билан биргаликда гитлерчи босқинчиларга қақшатгич зарбалар беришда намуна кўрсатади. Кўмондонликнинг топшириқларини яхши бажариб, Қизил Юлдуз ордени билан мукофотланади. Қосимов жанговар дўстлари орасида Семенов, Круглков, Приходько деган партизанлар бўлганлигини айтди.

Белоруссиялик партизанлар ҳақидаги китобнинг 2-жилди 484-саҳифасида партизанлар группаси 1943 йил 25 июнида душманнинг «Фокке — Вульф» самолётини аэродромдан учиш олдида ўқ узиб, яксон этганликлари ҳақида сўз боради. Бу жангда Семенов, Қосимов, Зайнитдинов деган партизанлар намуна кўрсатадилар. Бу номларни ўқиганда шу қаҳрамон пискентлик Қосимов эмасмикин, деган савол ҳаёлга келади. Гитлерчилар кўмондонлиги совет кўшинларининг қаттик қаршилигига учраб, ўнгалмас зарбалардан кочиш учун турли йўлларни ахтара бошлайди. Жумладан, фашистлар 4 ой мобайнида аэсларни тўплаб, «Волга-татар» легиони деб аталган батальонни Радом шаҳри яқинида партизанлар жангига ташлайди.

Легионда врач Жуков, фельдшер Тожиев, ҳўжалик взводи командири Раҳимов эҳтиётлик билан иш олиб бориб, ҳаммани партизанлар томонига ўтишга кўндиради. Тўқнашув майдонига келганларида гитлерчи бошликларнинг ҳаммасини ўлдириб, уларнинг қурол-яроғларини олиб, ўз ниятлари ҳақида партизанлар бўлинмаси одамларига хабар бередилар. Партизанлик штаби ротаси командири коммунист Ҳусайн Муҳамедов ташаббус кўрсатиб, легион турган жойга йўл олади ва уларнинг ҳаммасини тўла қуролланган ҳолда партизанлар томонига олиб келади. Партизанлар томонига ўтган 930 кишидан иборат бўлган легион одамлари гитлерчи босқинчиларга қарши жангларда актив қатнашди. Кўплари ҳукумат мукофотлари билан тақдирланадилар.

Китобда партизанлар бўлинмасининг командири Азамат деган жангчининг 1943 йил 6 июнида Баранович областида душман эшелонини жарга қулатгани ҳақидаги ҳужжати келтирилади. Азамат раҳбарлигидаги бир группа партизанлар фронтга кетаётган, иккита паровоз тортиб бораётган катта душман ҳарбий эшелонини портлатиб юборади. Паровозлар, вагонлар жарга кулаб тушади, ортилган юклар яроксиз ҳолга келтирилади. Қўриклаб бораётган фашистлар қириб ташланади, бу йўлда ҳаракат 15 соат тўхтаб қолади. Азамат ва унинг одамлари ёвдан ана шундай қасос олдилар. Азамат ким бўлдийкин, қаердан, исми-фамилияси нима экан, булар номлари ёзиқ, ўзлари номаълум қаҳрамонлардир.

Вилей областида Зарипов деган партизан фаолият кўрсатган. У ўз шериклари билан темир йўл алоқа симларини ишдан чиқариш устаси бўлади. У алоқа симларини кирқиб, йўк килиш билан бирга, темир йўл изларини остига портлагичларни ўрнатиб, душман эшелонларини ҳам гумдон қилишда кўп қаҳрамонлик кўрсатади.

Партизанлар отрядининг командири Курбонов ҳақида китобнинг 2-жилдида кўпгина ҳужжатлар қайд этилган. Курбонов бошчилигидаги партизанлар группаси душманнинг жазо отрядларини дуч келган жойларида кириб ташлай берадилар. Ўзи юрар тўпларини, танкларини ёндирадилар, ўқ-омборларини портлатадилар. Эшелонларини жарга қулатадилар.

Оғир шароитларда яшаб, душманга даҳшат солган, уларга қирон келтирган Ватан ботирларининг номлари абадий ўчмасдир. Китобда бундай халқ қасосқорларининг беқиёс мардликлари, қаҳрамонликлари ҳақида жуда кўп ҳужжатлар келтирилган. Китобни варақлар эканман, она-Ватанимизнинг озодлиги ва мустақиллиги йўлида жонларини фидо килган қаҳрамонлар кўз олдимда пайдо бўлади. Уларнинг номлари, жасоратлари асло унутилмайди. Мана бугун Улуғ Ғалабамиз тантаналари арафасида ҳам уларни эслаймиз.

НАЗАРМАТ.

БЕКИЁС ҒАМХЎРЛИК

Совет халқининг фашистлар Германияси устидан қозонган ғалабасининг 35 йиллиги муносабати билан партия ва ҳукуматимиз Ватан уруши қатнашчилари ва уларнинг оилаларига тинмай ғамхўрлик қилмоқда. Уларга янги имтиёзлар бериш тўғрисидаги яқинда қабул қилинган қарор фикримизнинг далилидир. Қарор районимиз социал-таъминот бўлими ходимлари олдига ҳам муҳим вазифалар қўяяпти.

Районимиз территориясида кўплаб уруш инвалиди яшайди. Уларнинг турмуш шароитини яхшилаб бориш, кўнгилдагидек маданий-маиший хизмат кўрсатиш ҳамиша диққат-эътиборимизда. Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган 32 жангчининг оиласи янги квартираларга кўчиб кирди. 32 та квартира эса капитал ремонтдан чиқарилди. Сўнгги икки йил ичида уруш қатнашчиларига 49 минг 592 сўмлик дори-дармонлар бепул берилди.

Улуғ Ватан уруши инвалидлари ва ҳалок бўлганларнинг оилаларига намунали савдо хизмати кўрсатиляпти. Шаҳар марказий универмаги ва бошқа савдо тармоқлари орқали уларга зарур товарлар етказиб берилади. Ўтган йили Улуғ Ватан уруши иштирокчиларидан 20 киши автомашина, 100 киши ноёб моллар билан таъминланди, 165 кишига моддий ёрдам кўрсатилди. 124 ветеранга санаторий ва дам олиш уйларига бепул путёвкалар берилди.

Партия-ҳукуматимизнинг уруш қатнашчиларига чексиз ғамхўрлиги ҳақидаги қарор ва кўрсатмалари бундан буён ҳам фаолиятимизда дастуруламал бўлиб хизмат қилади.

С. БАДАЛБОЕВ.
Октябрь район социал-таъминот бўлимининг мудири.

Редактор Н. НАСИМОВ.

ТОШКЕНТДА МЕҲНАТКАШЛАР ВАКИЛЛАРИНИНГ НАМОЙИШИ ҲАҚИДА

Халқаро 1 Май байрами куни В. И. Ленин номли майдонда Тошкент шаҳар меҳнаткашлари вакилларининг умумшаҳар намойиши бўлади.

Намойиш соат 10.00 да бошланади.

Намойишда қатнашадиган меҳнаткашлар вакилларини корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар бўйича йиғилиш пунктларида тўпланиб, район колонналари составида белгиланган маршрут билан В. И. Ленин майдонига борадилар.

Таклиф билетлари бўлганларни В. И. Ленин номли майдонга кўйиш соат 9 дан 45 минут ўтганда тўхтатилади.

Махсус пропуска эга бўлган автомашиналардан ташқари барча транспорт воситалари ҳаракати шаҳарнинг марказий қисмида Навоий, Энгельс, К. Маркс, Пролетар, Ш. Руставели, Ўзбекистон кўчалари, В. И. Ленин номли проспектда соат 7.00 да тўхтатилади ва меҳнаткашлар намойиш тугагандан сўнг қайта бошланади.

1 Май куни Тошкент метрополитени эрталаб соат 6.00 дан кечаси 2.00 гача ишлайди. Соат 8 дан 13 га қадар «Пахтакор» ва «Октябрь революцияси» станцияларнинг фақат «чиқиш» қисми ишлайди. «В. И. Ленин номли майдон» станцияси бу вақтда ёпиқ бўлади. Соат 13.00 дан бошлаб метрополитеннинг барча станциялари ишлай бошлайди.

ШАҲАР КОМИССИЯСИ.

РЕКЛАМА ва ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

4 МАЙ СОАТ 19.00 да

КАТТА БАЙРАМ КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Олмахон ХАЙИТОВА, Қувондиқ ИСКАНДАРОВ, Шариф СУЛТОНОВ, Муҳтабар ИЎЛДОШЕВА.

СОЛИСТЛАР:

Отамурод ҲОЖИЕВ, Гулчеҳра ИСМОИЛОВА, Нуржаҳон САТТОРОВА, Бекажон ҲАЙИТОВА, Роза КАРИМОВА, Муҳаббат КУБАНОВА, Ражаб ИСМОИЛОВ.

Ўзбек халқ чолғу асбоблари ансамбли.

Программани — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ғулом ТОЖИАЪЛОЕВ олиб боради.

Музыка раҳбари — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Салоҳиддин ТЎХТАСИНОВ.

Билетлар концерт зали кассасида соат 14.00 дан сотилади.

Ўзбекистон Давлат филармонияси

ЛЕНИН КОМСОМОЛИ НОМЛИ МАРКАЗИЙ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА (Яшил театрда)

1, 2 МАЙ СОАТ 19.30 ДА

Бутуниттифоқ профессионал бадиий коллективлар кўриги—конкурсининг лауреати

ЎЗБЕК АШУЛА ВА РАҚС «ШОДЛИК» АНСАМБЛИНИНГ КАТТА БАЙРАМ КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист БИЛОЯТ ОҚИЛОВА

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати ДИЛБАР ФАЕЗОВА

Гаванада бўлиб ўтган XI жаҳон фестивалининг лауреати Дилмурод ИСЛОМОВ.

СОЛИСТЛАР:

Ғуломжон ЕҚУБОВ, Ҳотам ҲОЖИЕВ, Бахтиёр ХОЛХЎЖАЕВ, Абдурашид МУСТАФАҚУЛОВ, Карима ТОПИЛОВА, Ҳавасхон ҲОЖИЕВА, Моҳичеҳра ИСЛОМОВА, Райҳон АБДУЛЛАЕВА, Нарзиддин ШЕРМАТОВ, Зуҳра ҚОДИРОВА, Ўткир СИДДИҚОВ.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Программани — Ўткир СИДДИҚОВ олиб боради.

«ШОДЛИК» ансамблининг бадиий раҳбари ва бош балетмейстери Қодир МУМИНОВ.

Музыка раҳбари — Исматулла РАҲМАТУЛЛАЕВ.

Билетлар концерт зали кассасида соат 14.00 дан сотилади.

Тошкент шаҳар турар-жой бошқармаси қошидаги

АҲОЛИ МАБЛАҒИ ҲИСОБИГА КВАРТИРАЛАРНИ РЕМОНТ ҚИЛАДИГАН 1-ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН БОШҚАРМА

БОШҚАРМА ВА БЮРТМАЧИ МАТЕРИАЛИДАН

суворқчилик-бўёқчилик ишлари, линолеум ётқизиш ва паркет поллар қилиб бериш, деворга кошинкор плиткалар ўрнатиш, сантехника ва дурадгорлик ишларини

БАЖАРИБ БЕРАДИ

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Пушкин кўчаси, 1-проезд 6-уй (1, 17, 24, 111-автобуслар, 5, 17, 18-троллейбусларнинг «Дархон ариқ» бекати). Телефон: 33-06-22.

ТУРАР ЖОИЛАР БУЙИЧА БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛУВЧИ ПУНКТЛАРНИНГ АДРЕСЛАРИ:

КИРОВ РАЙОНИ — Каблуков кўчаси, 13-уй.

ЧИЛОНЗОР РАЙОНИ — Чилонзор массиви, 6-квартал, 47-уй, 86-квартира. Телефон: 78-29-10.

АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙОНИ — Чилонзор массиви, 11-квартал, 36-уй, 52-квартира. Телефон: 76-14-47.

СОБИР РАҲИМОВ РАЙОНИ — 2|4-Қорақамиш массиви, 38-уй, 2-квартира. Телефон: 48-18-10.

Колхозчилар, совхоз ишчилари ва гражданлар

ДИҚҚАТИГА

область матлубот кооперациясининг

ТАЙЁРЛОВ КОНТОРАЛАРИ

мева-сабзавотчилик маҳсулотлари, полиз экинлари ва чорвачилик хом ашёларини қабул қилиш бўйича

ШАРТНОМАЛАР ТУЗИШГА КИРИШДИЛАР.

Маҳсулотларни топширувчи шахсларга юмшоқ ва яшчик таралар берилади ва зарурат туғилганда шартномада келишилган сумманинг 25 процентигача бўлган қисми олдиндан аванс тариқасида тўланади.

Районлардаги тайёрлов конторалари билан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва хом ашёларини топшириш учун шартнома тузинг!

МАТЛУБОТ КООПЕРАЦИЯСИ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

Тошкент область матлубот союзининг тайёрлов бошқармаси.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Опера билан учрашув. 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 16.20 — Спортчилар классы. 17.00 — Рус тили. 17.30 — Шахмат мактаби. 18.00 — Олтин водий тароналари. 18.35 — Жасорат. 19.05 — Ҳамма нарсани билишни истайман. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Концерт. 20.10 — Илмий ҳамкорлик. 20.25 — Имтиҳонга тайёргарлик. Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Драматик театрлар артистлари куйлайди. 22.50 — Футбол бўйича халқаро учрашув. Швеция—СССР терма командалари. Танаффус пайтида дунё воқеалари.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I

17.35 — Кучуқчаларнинг саргузаштлари. 17.40 — Камалак. 18.10 — Миллионлар ленинча университети. 18.30 — Ҳужжатли фильм. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Назм ва наво. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Назм ва навонинг давоми. 21.30 — Время. 22.05 — Ғўза парваришини авж олдирайлик. 22.20 — Осмон секин юрари. Бадиий фильм.

II

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Ешлик. 20.55 — Байрамолди рекламаси. 21.10 — Физика. 22.10 — Эстрада программаси.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 29|IV да Томоша давом этади, 30|IV да Келинлар кузғолони.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 30|IV да Олтин қамар (19.00).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 29|IV да Отилмаган ўқ (19.00), 30|IV да Биринчи бўса (19.00).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «Кўзга кўринмас одам» фантастик-саргузаштли аттракционининг гастроллари (19.30).

Р. Р. Шредер номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг Бўстонлиқ тоғ боғдорчилиги ва узумчилиги филиали коллективи филиалнинг кичик илмий ходими В. О. Оқилованинг отаси Оқил ЗАФАРОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Спорт

«ПРАВДА» СОВРИНИ УЧУН

Ўтган якшанба куни Фрунзе шаҳрида «Правда» газетасининг соврини учун енгил атлетика Бутуниттифоқ мусобақаларининг финал қисми бўлиб ўтди. Унда барча иттифоқдош республикалар ҳамда Москва ва Ленинград терма командалари иштирок этди.

Республикамиз вакиллари ҳам финалда муваффақиятли иштирок этишди. Улар умумкоманда ҳисобида олтинчи мукофотли ўринни эгаллашди. Бу ютуққа тўртинчи ўринни эгаллаган аёллар командаси салмоқли ҳисса қўшди.

«КАТТА БАҲОР СОВРИНИ»

Киев шаҳрида ўтказилган мерганларнинг халқаро турнирида етти мамлакатдан юзга яқин спортчи иштирок этди. СССР терма командаси шарафини ҳимоя қилган тошкентлик халқаро классдаги спорт мастери Рустам Ямбулатов 200 нишонининг 197 тасини мўлжалга олиб, кумуш медали соҳиби бўлди.

Тошкентлик Юрий Копилов эса 200 имкониятдан 190 очко тўплаб, СССР спорт мастери нормативини бажарди.

ҚУВОНЧЛИ НАТИЖАЛАР

Қиличбозларнинг Москва шаҳрида ўтказилган Бутуниттифоқ турнирида спорт мастерлари Борис Либерман ва Вячеслав Фиофановлар қувончли натижаларни қўлга киритишди. Улар саралаш мусобақаларини муваффақиятли ўтказиб, медаллар учун беллашиш ҳуқуқини қўлга киритган эдилар. Финал бахсларда Б. Либерман кумуш медаль эгаси бўлди. В. Фиофанов эса тўртинчи ўринни эгаллади.

НАВБАТДАГИ БОСҚИЧ: ФАРҒОНА—ҚЎҚОН

Республика кўчалари бўйлаб Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг соврини учун велопойга мусобақалари давом этаётир. Андижон—Фарғона оралиғидаги 80 километрлик масофада тошкентлик армиячи Александр Хрушчев ғолиб бўлди. Команда ҳисобида эса ҳамон «Меҳнат» вакиллари пешқадам.

Кеча мусобақаларнинг 9—10 босқичлари бўлиб ўтди. Спортчилар Фарғона—Қўқон оралиғидаги 100 километрлик масофада беллашдилар. 8 босқич якунларига кўра бекободлик спортчи Василий Комнатов пешқадамлик қилаётир.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети соврини учун республикамиз йўллари бўйлаб кўп кунлик велосипед пойгаси давом этмоқда. Суратда: мусобақа иштирокчилари Фарғона кўчаларида.

Л. Гусенков фотоси.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П. ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750.

БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325547; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553; фотомухбир — 325894.

Р. 01958. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Б. 1594.